

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347.571.1

ХУРШИД ТУРҒУНОВ ҲАБИБУЛЛАЕВИЧ

**ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГА РИОЯ ЭТИШ**

**5А380103-Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи, фуқаролик жараёни, халқаро ҳуқук
ихтисослиги**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

диссертация

**Илмий раҳбар:
ю.ф.н., доцент.
Г.Худайбердиева**

Тошкент-2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-10
1-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....	10-27
1.1. Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ҳуқуқий ҳолати.....	11 -18
1.2. Оммавий ахборот воситаларининг интеллектуал мулк ҳуқуқи субъектлари сифатида ҳуқуқлари.....	19-27
2-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГА РИОЯ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.....	28-51
2.1. Оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилинадиган муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва асарлар.....	28-35
2.2. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик асаридан фойдаланиш ва тарқатиш тартиблари.....	36-43
2.3. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик шартномасининг қўлланиши.....	44-51
3-БОБ.ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	52-71
3.1. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро норма ва қоидаларнинг қўлланиши.....	52-59
3.2. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларидан қонунсиз фойдаланиш ва интеллектуал мулкка «тахдид» - қароқчиликка қарши кураш йўллари.....	60-65
3.3. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилигини ривожлантириш йўллари.....	66-71
Хулоса.....	72-75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76-80

Кириш

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ўзининг мустақиллигига эришган мамлакатимизда давлатчилик асосларини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда барча жабҳаларда бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув тизимини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бозор шароитида давлатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда турли моддий бойликлар, кўчар ва кўчмас ҳамда хусусий мулк, шунингдек, интеллектуал мулкнинг ўрни каттадир.

Шўролар ҳукмронлиги даврида санъат мафкуранинг бир тармоғига айлантирилган, асарлар эса “социалистик реализм” ғояси билан сингдирилган эди. Эркин демократик жамиятнинг кишиси баркамол келажакка эришиш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда ўз санъати, асари, маданий ҳаётдаги иштироки, илмий-техникавий фаолияти билан ҳисса қўшмоқда. Илмий-тадқиқот ишлари ҳар бир шахснинг ижод эркинлиги натижаси ҳисобланади ва у давлат ҳимоясида. “Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”¹. Бугунги кунда ҳуқуқнинг барча қирралари, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган муаллифлик ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилиш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бўлиб бормоқда.

Кейинги йилларда республикамызда интеллектуал мулкнинг барча соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам қонунчилик асослари яратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқалар интеллектуал мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай қонунларнинг қабул қилиниши орқали “ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги,

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.10.

маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқининг кафолатланиши, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши” ижодкорларнинг конституциявий ҳуқуқига айлантирилди.¹ Бу кафолатлар ҳар бир инсонга ижод билан шуғулланиш, муаллиф ва ижрочи бўлиш ҳуқуқини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиш учун шарт-шароитлар яратиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш лозим. Кишилар шуни аниқ ва равшан англаб етишлари керакки, маънавий потенциални илдам ривожлантирмай туриб, республикамиз чинакам мустақиллигини ва равақ топишини таъминлаб бўлмайди”², дея таъкидланидек, интеллектуал мулк объектларини яратиш ва уларнинг муаллифлари манфаатларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Истиқлолга эришган Ўзбекистон миллий давлатчиликни қарор топтиришнинг ва ҳуқуқий тизимни шакллантиришнинг ўзига хос йўлини танлаб олганлиги фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида ҳам ўз аксини топмоқда³.

Интеллектуал мулкнинг таркибий қисми ҳисобланган муаллифлик ҳуқуқи асар яратиш ва улардан ҳар қандай кўринишда фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Бу муносабатлар ўз навбатида муаллифларнинг шахсий ҳуқуқларига риоя қилишни тақозо этади.

Айни вақтда, адабиёт ва санъат асарлари, уларнинг аудио ва видео ёзувлари билан савдо қилиш маданий индустриянинг катта даромад манбаи бўлиб бормоқда. Шундай бўлса-да, яратилган бадиий ва санъат асарлари маълумотлар базасини яратиш, уни хорижда тарғиб қилиш, муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муаллифларни моддий жиҳатдан қўллаб-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.8.

² Каримов И. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б.22.

³ Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.152.

қувватлаш тизимини яратиш, асарлардан қонуний фойдаланишни таъминлаш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение, радио, кабелли студиялар, овоз ёзиш, нусха кўпайтириш студиялари ва бошқа ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз, ўзгалар томонидан ижрочилик ҳақларини тўламасдан асарлардан фойдаланиш, сифатсиз аудио ва видео маҳсулотларини қонунсиз ишлаб чиқариш натижасида миллий саъятимиз ва маданиятимизга зарар етказилмоқда. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари билан рухсатсиз савдо қилишнинг ривожланиб кетаётгани эса давлат бюджетига ҳам зарар етказмоқда.

Ана шу омилларни ҳисобга олиб давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ишларини мувофиқлаштириш, мавжуд соҳа қонунчилиқ асосларини янада такомиллаштириш, уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштириш, адабий, бадиий ва санъат асарларининг дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз ҳудудида маданий индустрия билан шуғулланаётганлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш зарурати юзага келмоқда.

Шундай экан, давлатимизда муаллифлик ҳуқуқининг тўлиқ ҳимоя қилиниши ҳозирги глобаллашув жараёнида фаол иштирок этишнинг асосий талабидир. Агар, бу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг асосий роль бажаришини ҳисобга оладиган бўлсак, айнан шу соҳада муаллифлик ҳуқуқига риоя этилиши бугунги куннинг долзарб масаласи эканлиги аён бўлиб қолади. Бежизга Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январь кунидаги қўшма мажлисида “муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга”¹, - деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

¹ Каримов.И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.14

Оммавий ахборот воситалари, бир томондан, мунозаралар юритиладиган минбар бўлса, иккинчи томондан, фуқаролар учун ахборот манбаидир. «Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик кадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий – ҳуқуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим»¹.

Илмий иш мавзусини танлашга қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

- республикамызда муаллифлик ҳуқуқининг жорий этилишида оммавий ахборот воситалари ходимларининг суи ҳаракат қилаётганлиги;

- бу борада ривожланган давлатларда олиб борилаётган йирик амалий ишлардан муаллифларимизнинг беҳабар қолаётганлиги, натижада уларнинг ҳуқуқлари нафақат мамлакатимиз ҳудудида, балки мамлакатимиз ташқарисида ҳам поймол этилаётганлиги;

- давлатимизда хорижий муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳам кескин равишда бузилаётганлиги, ушбу вазиятда айнан журналистларимизнинг ёрдами билан бошқаларнинг меҳнати эвазига яратилган асарларни мамлакатимизда ўғринча ўзлаштириш билан шуғулланувчиларнинг сохта муаллифларга, сохта юлдузларга, сохта ижодкорларга айланаётганлиги;

- интеллектуал мулкдор даражасига кўтарилаётган айрим шахслар учун алоҳида газета, журналларнинг ташкил қилинаётганлиги, оммавий ахборот воситалари ва радио орқали уларнинг «бебаҳо» ижодлари ҳақида махсус дастурларнинг тайёрланаётганлиги, буларнинг барчаси кенг оммага тақдим этилаётганлиги ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқига оид миллий қонунчилик тизимидаги айрим муаммолар асосан ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Хорижда Алексеев С.С., Дозорцев В.А., Дьюма Р., Иоффе О.С., Красавчикова О.А., Савельева И.В., Сергеев А.П., Суханов Е.А., Толстой Ю.К.,

¹ Каримов И.А. Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14–сессиясидаги маърузасидан. Халқ сўзи. 1999 йил 15 апрель.

Тоғайназаров Ш.Т., Федотов А.А. каби олимлар оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқига риоя этилишининг айрим қирраларини тадқиқ этган бўлса, муаллифлик ҳуқуқини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш Богш А., Богуславский М.М., Белов В.В., Виталиев Г.В., Гаврилов Э.П., Денисов Г.М., Матвеев Ю.Г., Фичор М. асарларида¹ бирмунча ўрганилган.

Республикамизда Раҳмонқулов Ҳ.Р., Зокиров И.Б., Оқюлов О., Насриев И.И., Тошев Б.Н., Мўминов А., Худайбердиева Г.А. ва бошқаларнинг олиб борган тадқиқотларида оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маълум қирралар ёритилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бозор иқтисодиётига асосланган миллий қонунчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари ва муаллифлик ҳуқуқларига оид фуқаролик қонунчилиги асосларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, уни такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштириш, муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш, муаллифлар ҳуқуқлари тизимини такомиллаштириш ва миллий қонунчиликдаги муаммоларни бартараф этиш каби масалаларни таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш зарур бўлди:

- муаллифлик ҳуқуқининг пайдо бўлиш ва ривожланиш босқичларини ўрганиш;
- муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш;
- муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларини тизимлаш, таркибини таҳлил қилиш ва ҳуқуқларни амалга ошириш йўлларини ўрганиш;

¹ Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения.-М.:Юрист, 2002.-288 с., Богуславский М.М. Международное частное право.-М.:Юрист, 2000.-340 с., Гаврилов Э.П. Авторское право.-М.: Юридическая литература, 1988.-174 с., Матвеев Ю.Г. Международные конвенции по авторскому праву.-М.: Международные отношения, 1978.-176 с., Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами.-Женева.: ВОИС, 1990.-108 с.

- оммавий ахборот воситаларида муаллифлар шахсий номулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, унинг шакл ва усулларини таҳлил қилиш ва қўллаш бўйича тегишли тавсиялар бериш;

- оммавий ахборот воситаларида муаллифлар шахсий ҳуқуқларини ўзга шахсларга ўтиш қоидаларини таҳлил қилиш, унда қўлланиладиган шартномалар хусусиятлари ва амал қилиш тартибларини ўрганиш;

- миллий соҳа қонунчилигини бошқа давлатлар қонунчилиги билан қиёслаш;

- муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги асосларини халқаро ҳужжатлар билан таққослаш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

- ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва уни ривожлантириш бўйича таклифлар бериш ва бошқалар.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқотнинг объектини муаллифларнинг шахсий ҳуқуқларини оммавий ахборот воситаларида қўллаш ва муҳофаза қилиш натижасида келиб чиқадиган муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади республикамізда бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув тизимини шакллантиришда миллий қонунчилик, хусусан, муаллифлик ҳуқуқига оид фуқаролик қонунчилиги асосларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, соҳа қонунчилигини бошқа давлатлар қонунчилиги билан қиёслаш, уни такомиллаштириш ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига яқинлаштириш, муаммоларни аниқлаш ва ечимини топиш, объектларни туркумлаш, уларни ҳимоя қилишнинг шакл ва усулларини ишлаб чиқиш, муаллифлар мулкый ҳуқуқлари бошқаруви билан шуғулланиб келаётган ташкилотларнинг ўрни, халқаро шартномаларнинг хусусиятлари, уларни қўллаш тартиби, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганиш, миллий қонунчиликдаги муаммоларни бартараф этиш каби масалаларни таҳлил этишдан иборат.

Диссертация ишининг вазифалари. Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, бир қатор аниқ вазифаларнинг илмий ечимини топишга ҳаракат қилинди. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

- муаллифлик ҳуқуқини инсон ҳуқуқларининг муҳим қисми эканлигини кўрсатиб бериш;

- мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқининг бузилиш ҳолларини таҳлил қилиш;

- оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқининг жорий этилиши учун мамлакатимизда муаллифлар, ижрочиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилотлар, бирлашмалар тузишнинг аҳамиятли эканлигини тадқиқ этиш;

- муаллифлик ҳуқуқи борасидаги қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига мослаштириш бугунги куннинг зарурий талаби эканлигини асослаб бериш;

- муаллифлик ҳуқуқи бўйича муаммоларни ечишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш, соҳага оид қонунларни такомиллаштириш аҳамиятини очиб бериш.

Диссертация ишининг апробацияси (жорий қилиниши). Диссертация мазмунига кўра соҳа бўйича қатор конференция ва семинарларда иштирок этиб, маърузалар қилинган, даврий нашрларда тегишли материаллар эълон қилингани тадқиқотнинг апробациясида ўз ифодасини топган.

Тадқиқотнинг **услубий асосини** бозор иқтисодиёти қонуниятларининг ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги, демократик ҳуқуқий давлатда ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисаларни билишнинг фалсафий, назарий-ҳуқуқий усуллари ташкил этади. Республикамиз Президенти И.Каримовнинг асарлари, турли анжуманларда сўзлаган нутқларида ифодасини топган бозор иқтисодиётини шакллантириш, жамият ҳаётини эркинлаштириш бўйича концепциялар тадқиқотнинг муҳим услубий асоси ҳисобланади.

Диссертация ишида муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган объектларнинг, асосийси, оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган объектлари ўрганилган. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари, радио, даврий нашрлар, шунингдек, ноширлик

фаолятида муаллифлик ҳуқуқининг бузилиш сабаблари, муаммонинг ечимлари кўрсатилган.

Илк бор Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинадиган турдош ҳуқуқларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиниши монографик тарзда ўрганилган. Диссертацияда турдош ҳуқуқларни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари жамланган. Тадқиқот орқали турдош ҳуқуқлар ҳимоясини кафолатловчи ҳуқуқий ҳужжатлар изчиллигини таъминлаш ва ягона муҳофаза тизими асосида ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш кенг кўламда очиқ берилган.

Диссертация иши таркибий тузилишига кўра, **кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар** рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ҳуқуқий ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларга биноан, кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари соҳасида юз берган туб ўзгаришларни, айниқса, оммавий ахборот воситаларида ўзаро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш масалаларидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш мақсад ва вазифаларини амалга оширишда журналистларнинг роли ва масъулияти ошиб бораётганлигини инобатга олиб, уларнинг жамиятдаги мавқеини тобора мустаҳкамлаш, касбий фаолиятларини амалга оширишлари учун зарур шароит яратиш, ахборот олишни янада эркинлаштириш, ахборот мулкдорлари синфини шакллантириш, бозор шароитларида ахборотни муомалага киритишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурияти келиб чиқмоқда.

Юқоридаги ғоялар 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида эълон қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ривожлантирилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “ҳар ким сўз, фикр ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...” бўлишининг белгиланиши² оммавий ахборот воситаларининг ҳам ҳуқуқий ҳолати қандай асосларда

¹ Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.

вужудга келишини англатади. Бу эса “шахснинг ҳуқуқий ҳолати” конституциявий ҳуқуқ нормаларининг тартибга солиш предмети эканлигини кўрсатади.¹ Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий ҳолати конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар сирасига кирадиган ижтимоий муносабатлардир. Фуқаролар ҳам, юридик шахслар ҳам конституциявий ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ҳисобланади. Конституционализм ўз навбатида “инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлайди”.

Агарда, шахснинг ҳуқуқий ҳолати - бу Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳамда уларни таъминлаш ғоялари тизимидир. И.Насриев муаллифлик ҳуқуқининг субъектларини тизимлар экан, айтиш вақтда турдош ҳуқуқлар субъектларини туркумлаб “аудиовизуал асар муаллифлари дейилганда - сахналаштирувчи режиссёр, сценарий муаллифи, муайян аудиовизуал асар учун махсус яратилган матнсиз ва матнли мусиқа асарининг муаллифи, сахналаштирувчи оператор ташкил этади”, деб уқтиради². Назаримизда олимнинг бундай туркумлаши республикаимизнинг амалда бўлган қонунчилигини таҳлил этиши натижасида келиб чиққан бўлиши мумкин.

Бизнингча, олимнинг юқоридаги фикрига унчалик қўшилиб бўлмайди. Уни мавжуд ҳуқуқий асосларга таяниб ва ривожлантириб айтиш мумкинки, турдош ҳуқуқлар субъектлари, аввало, яратилган асар (объект)ларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади. Франция қонунчилигига кўра ижрочилар тоифасига “бадий асарни гапириб берувчилар” ҳам киритилган³.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари жисмоний шахслар, хусусан, республикаимиз фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар, юридик шахслар, маҳаллий шахслар ва хорижий шахслар бўлиши мумкин. И.И.Насриевнинг қуйидаги таърифи муаллифлик ҳуқуқи субъектларининг

¹ Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. –Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001. –Б.6

² Насриев И. Муаллифларнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш.-Т.: Меҳнат, 2003.-Б.20-21

³ Французский Закон об авторском праве и смежных правах от 3 июля 1985 г. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. -М.: Норма, 1999

ҳуқуқий ҳолатини аниқлашга имкон беради: “Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари мазмунини ташкил қилиб, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар тарзида намоён бўлади. Аниқроғи, бундай ҳуқуқлар реал амалга оширилишида ҳар доим ҳам субъектив ҳуқуқ тарзида баҳоланади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларига тегишли бўлган ҳуқуқ субъектив фуқаролик ҳуқуқи деб, уларга тегишли бўлган мажбуриятлар эса, субъектив фуқаролик мажбурият сифатида қаралади”¹. Ҳуқуқий муносабатлар ўзида муомала лаёқати ва ҳуқуқ лаёқатини муажассам этади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларида муаллифлар ҳуқуқий ҳолатини Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ва бошқа ҳужжатларда ҳам кўриш мумкин.

Республикамызда 2005 йилгача 70 га яқин оммавий ахборот воситалари, 14 вилоят телерадиокомпанияси, 13 FM радиоканали, 26 та кабел студияси ва кўплаб овоз ёзувчи студиялари мавжуд эди.² Кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда³.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.

¹ И.Насриев Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. –Т.: «Меҳнат». 2003 йил, 70-бет

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2005 йил 2 январдаги реестридан олинган.

³ И.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.14.

Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Оммавий ахборот воситалари айти вақтда юридик шахс бўлган турдош ҳуқуқлар субъектларининг вужудга келиши каби ўзига хос хусусиятларга эга. Улар аввало, дастлаб юридик шахс мақомини олиши билан характерланади. Бу субъектларнинг фаолияти давлат томонидан лицензияланади.

Ижодий фаолият айти вақтда интеллектуал фаолият натижаси ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 1038-моддасига кўра “интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуқ бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар мавжуд бўлади”, дейилган. Демак, муаллифлик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқлари мутлақ ҳисобланади ва у учинчи шахсларга фақат шартнома (рухсат) асосида ўтказилиши мумкин.

Юридик шахс ҳисобланган оммавий ахборот воситалари, аввало, турдош ҳуқуқлар субъектлари, аввало, хўжалик юритувчи субъектлар ҳам ҳисобланади. Улар юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтса-да, лекин ўз Уставларида белгиланган фаолият билан шуғулланишлари учун тегишли тартибда лицензия оладилар. Лицензиялаш билан боғлиқ фаолият турлари қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 25 майдаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.¹ Лицензия бериш тартиби ва фаолият турлари, фаолиятнинг айрим турларини лицензияловчи органлар рўйхати эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 июндаги “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 236-сонли қарорида белгиланган.²

¹ Тўртинчи ҳокимият. –Т.: Меҳнат, 2003.-Б.117-132.

² Тўртинчи ҳокимият. –Т.: Меҳнат, 2003.-Б.133-140.

Республикада теле-радио ва кабелли кўрсатув ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш шу қарорга кўра Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарорининг 2-илова 14-пункт «г» бандига асосан юридик шахсга оммавий ахборот воситалари, радио эшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) ва маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланишга ва хизмат кўрсатишга лицензия олиш учун субъектларга улар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги Гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этганидан сўнг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан лицензия берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 июлдаги “Частота спектридан фойдаланиш, телерадио-дастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 293-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида “Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Идоралараро мувофиқлаштириш комиссияси” ташкил этилган.¹ Ушбу қарор асосида Комиссияга қуйидаги бир қатор вазифалар юкланган.

Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат бошқаруви органлари ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, хўжалик юритувчи барча субъектлар, шу жумладан, хорижий хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Фаолият юритиш учун тегишли лицензия (рухсатнома) олган юридик шахс-оммавий ахборот воситалари, кабелли оммавий ахборот воситалари, радиостанция бир вақтнинг ўзида оммавий ахборот воситаси мақомини ҳам олади. Бу турдаги субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати лицензия ва оммавий

¹ Ўзбекистон Ҳукумати қарорлари тўплами. –Т.: 1998. 7-сони.

ахборот воситаси эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома мавжуд бўлгандагина юзага келади¹. Уларни оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олишни Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги амалга оширади.² Уларнинг фаолият йўналишлари ўзларининг Уставларида белгиланган бўлади. Бундай турдаги субъектлар бир вақтнинг ўзида қонунчиликка кўра турдош ҳуқуқлар субъектлари, деб тан олинади³.

Турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳисобланган юридик шахслар расман тан олинса ёки олинмаса-да, лекин оммавий ахборот воситалари, радиостанция, кабелли оммавий ахборот воситалари муаллифлик ҳуқуқининг объектлари ҳисобланган фан, адабиёт ва санъат асарларини ижрога қаратишлари ёки қайта ишлаб чиқаришлари, такрорлашлари билан ҳуқуқий ҳолатга эга бўладилар, маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига оладилар.

Оммавий ахборот воситалари, кабелли оммавий ахборот воситалари, радиостанциялар ўз фаолиятини тегишли тартибда лицензия олгандан сўнг бошлаши юқоридаги қонун ва қонуности ҳужжатларида белгилангани билан ўзига хос ҳолатда намоён бўлади. Республикамизда ўрнатилган бундай тартиб давлат телерадиокомпаниялари билан хусусий телерадиостудиялари ўртасида тенгликни таъминлашга қаратилган. Масалан, Англияда мустақил оммавий ахборот воситалари бўйича алоҳида комиссия мавжуд. Комиссия 1991 йилда “Телерадиоэшиттириш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ таъсис этилган. У Англияга ёки Англиядан кўрсатув узатувчи телерадиокомпаниялар фаолиятини лицензиялаштиради ва мувофиқлаштиради. Лицензиялар эса танлов асосида берилади⁴.

Юқорида келтирилган бу тоифадаги субъектлар бир вақтнинг ўзида оммавий ахборот воситаси сифатида алоҳида мақомга эга бўлади. Бу

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги № 418-сонли қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 июндаги “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги № 274-сонли қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 1996. –Б.468-493.

⁴ Луғат. Журналистика. Реклама.Паблик рилейшнз. Маълумотнома. – Т.: ZAR-QALAM, 2003. –Б.16.

субъектлар айна вақтда жамиятда ҳар бир шахснинг сўз эркинлигини таъминлаш ва тегишли ахборот узатишга хизмат қилади. Президентимиз И.Каримовнинг таъбири билан айтганда “...сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қоғозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш”¹ бу субъектларга ҳар жиҳатдан боғлиқ. “Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларига эркинлик берилиши ва бу эркинликнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши мустақиллик билан бевосита боғлиқ жараён”² лиги турдош ҳуқуқларнинг юқоридаги тоифа субъектларига бевосита тегишлидир.

Оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий табиатига кўра иккиламчи ҳуқуқ эгалари сифатида, яъни муаллифлар томонидан яратилган асарларни такрорлаш, қайта ишлаб чиқариш ёки ижро қилишлари билан ажралиб туради.

Оммавий ахборот воситалари асардан фойдаланишда муаллифлар сингари ташаббус кўрсатиш тамойилидан фойдаланмайдилар. Аниқроқ айтганда, муаллиф ўзи яратган асарни бутун ҳаёти давомида ўзгартириши, унга қўшимчалар киритиши ёки ундан бошқача усулда фойдаланишга рухсат бериш ҳуқуқига эга бўлади. Оммавий ахборот воситалари эса асардан фақат фойдаланишлари мумкин, холос. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари асардан фақат қонун доирасида ва шартнома (лицензия)да белгиланган доирада фойдаланиш имкониятига эга. Уларнинг зиммасига муаллифларнинг ҳуқуқларига тўлиқ риоя этиш, асарларнинг дахлсизлигини таъминлаш, улар томонидан асарлар қайта ишлаб чиқарилаётганда ундан фойдаланувчиларга асарнинг ҳимоя қилинаётгани тўғрисида хабар бериш каби қатор мажбуриятлар юклатилади.

Оммавий ахборот воситаларига тегишли таъриф бериш орқали уларнинг ҳуқуқий ҳолати ва ҳаракат доирасини кенгроқ аниқлаш мумкин.

¹ Каримов И. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

² Гулом Мирзо. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. –Т.: ТДЮИ, 2004. –Б.9.

Яъни, Оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ҳаракат доираси муаллифлар томонидан белгиланади, десак хато бўлмайди. Бу ҳаракат доирасида асардан қачон, қанча муддатга, қайси ҳудудда, қандай ҳажмда фойдаланиш мукинлиги ва қанча миқдорда ҳақ тўлаш лозимлиги муаллиф ёки ҳуқуқ эгалари томонидан белгиланади. Бу муносабатлар одатда лицензия шартномаси орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, оммавий ахборот воситалари юридик шахс бўлишидан қатъи назар, бевосита муаллифлар изидан боровчи “эргашиб юрувчи ҳуқуқ эгалари” ҳисобланадилар. Қонунчиликда оммавий ахборот воситаларига кенгроқ тушунча берилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигидаги норма ва қоидалар, халқаро шартномалар қоидаларидан келиб чиқиб, юқоридаги хулосага келиш мумкин.

1.2. Оммавий ахборот воситаларининг интеллектуал мулк ҳуқуқи субъектлари сифатида ҳуқуқлари

Бозор иқтисодиёти ривожланиши исталган шахс учун ахборотлар оламига кириш, ахборотларни тўплаш ва алмаштиришни тегишли даражада эркин бўлмаган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Товарлар муомаласида ахборотлар тижорат қийматига эга бўлиб, баъзи ҳолларда контрагент (тижорат шериги) учун аҳамиятга эга бўлган белгиланган сигналларни ўзида ифодалайди. Бошқа ҳолларда эса, ахборотлар ҳуқуқ объекти бўлиши мумкин. Учинчи ҳолларда у товарлар ҳаракатини таъминлайди. Ахборотлар ҳужжатлаштирилган ва ҳужжатлаштирилмаган шаклда бўлиши мумкин. Замонавий бозор шароитида «қайта моддийлаштириш» умумий анъанасида ҳужжатлаштирилган ахборотли ёзувлар мулкнинг мавжуд эканлигини ифодаловочи ягона тасдиқ эканлигини билдирувчи ҳолатлар бир неча бўлиб, у жиддий низоларга сабаб бўлмоқда, масалан, нақд бўлмаган пуллар ёки ҳужжатсиз қимматли қоғозлар¹.

Шундай қилиб, ахборотлар индустрияси ва инфратузилмасини қамраб олган рекламадан тортиб замонавий электрон алоқа воситаларигача бўлган ахборот билан таъминлаш тушунчасини илмий жиҳатдан таърифлаш муҳим ҳисобланади. Чунки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ахборот технологияларининг элементларини яхши билиб олиши лозим.

Ахборот билан таъминлаш деганда, ахборот технологиялари, хусусан, коммуникация воситалари билан элементар техник ёритиш ҳам, алоқа ва коммуникация воситалари ҳам ахборотлашган кузатув жараёни, ҳам маслаҳат шаклидаги пулли (пулсиз) хизмат хизмат ҳам, ахборотлаштирилган тизимлар ва дастурли маҳсулотларга киришга рухсат бериш ҳам ва муаллифларнинг интеллектуал мулки ҳисобланган ёки ҳисобланмаган маҳсулотнинг ўзи ҳам тушунилади.

¹ Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. -Т.:Консаудинформ Агентлиги нашриёти, 2002.-Б.276.

Биз ахборот технологиялари даврида яшаётган эканмиз, эртами-кеч барибир ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари ёки унинг айрим илғор кўринишлари билан муомалада бўламиз. Ахборот технологияларининг инсоният ривожланишидаги ўрни кундан-кунга ўсиб бормоқда.

Интернет тармоқларини янада кенгайтириш, ундан фойдаланувчилар сонини янада ошириш, дастурчилар тайёрлаш, миллий сайтларни кўпайтириш, интернет савдони йўлга қўйиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2000 йилда Ўзбекисонда 350 мингга яқин шахс халқаро Интернет тармоғидан фойдаланувчи бўлса, бугунги кунда 6 миллиондан зиёд киши ундан фойдаланмоқда, 870 дан ортиқ ички миллий сайтларимиз очилган ва турли ахборотлар тарқатиш билан шуғулланиб келмоқда¹.

Қонунчиликда муаллифлик ҳуқуқи билан тенг ҳолда турдош ҳуқуқлар субъектлари сифатида оммавий ахборот воситалари (ижрони ёзиб олувчи, эфир ва кабел орқали эшиттириш ва кўрсатув берувчи ташкилотлар ва бошқалар)нинг ҳам алоҳида ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий адабиётларда айтилишича турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини қуйидагича туркумлаш мумкин:

- ижрочиларнинг ҳуқуқлари;
- эфир ва кабел орқали узатувчи ташкилотларнинг ҳуқуқлари;
- фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқлари².

Олимлар оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқларини ўрганар экан, уларда қўлланадиган муаллифлик ҳуқуқи меъёрларини ҳам таҳлил этганлар. Олимлардан У.И.Ихсанов, В.А.Кабатовлар муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари жумласига - асарга муаллиф бўлиш ҳуқуқи, асарга ном қўйиш ҳуқуқи, асар дахлсизлиги ҳуқуқи киради,³ дейишади. Бу олимлар

¹ И.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.14

² Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. Учебное пособие. –М.: Юрист, 1997. –С.146-149.

³ У.И.Ихсанов. О связи авторского и изобретательского права. В.книги: проблемы советского авторского права. М., ВААП, 1979. –С.83-84; -В.А. Кабатов. Советское авторское право в произведениях изобразительного искусства: Автореферат диссертации кандидата юридических наук. - М.: 1954 . -С.4-5.

асардан фойдаланишга рухсат беришни асосий ҳуқуқ, деб тан олмайдилар. Б.Н.Тошев эса муаллифнинг шахсий мулкӣ ҳуқуқлари жумласига “асарни эълон қилиш ҳуқуқи”ни ҳам киритади¹. Назаримизда, муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари адабиётларда кўрсатилганидек, қонунчиликда белгиланганидан кенгрок. Яъни, муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқига “асарни эълон қилиш ҳуқуқи”ни ҳам киритиш мумкин. Чунки, муаллиф асарини ўз хоҳиши билан эълон қилади ва ҳуқуқ дастлаб мулкӣ характерга эга бўлмайди. Э.П.Гавриловнинг фикрича “шахсий номулкӣ ҳуқуқлар фақат муаллифга тегишли бўлиб, у бошқа шахсларга ўтказилмайди”². И.В.Савельеванинг фикрига қараганда, фонограмма ишлаб чиқарувчининг мутлақ ҳуқуқлари (мулкӣ ҳуқуқлари) бошқа шахсларга шартнома орқали тўла ёки қисман ўтказилиши мумкин. Ушбу ҳуқуқлар жисмоний шахс бўлган фонограмма ишлаб чиқарувчининг меросхўрларига, юридик шахс бўлган фонограмма ишлаб чиқарувчиларнинг қонуний ворисларига (юридик шахс тугатилганда ёки қайта тузилганда) универсал тарзда ўтади³.

Номулкӣ ҳуқуқларга тааллуқлиликлдан келиб чиқиб ёки ижро ҳамда постановкадан фойдаланишда мутлақ ҳуқуқлар пайдо бўлади, яъни, уни амалга ошириш ёки рухсат беришда қатор ҳаракатларни амалга ошириш келиб чиқади. Хусусан, “ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олинисига ҳақли”дир⁴. Ўзбекистон қонунчилигида “мутлақ ҳуқуқлар” билан “рухсат бериш ҳаракатлари” чалкаштириб белгиланган. Назаримизда, қонунчиликдаги бундай чалкашлик назарий жиҳатдан ўрганилиши ва турдош ҳуқуқларга оид амалдаги халқаро конвенция ва шартномалар талабларига мувофиқлаштирилиши лозим.

Профессор А.П.Сергеевнинг фикрига кўра, “турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқлари (оммавий ахборот воситалари) муаллифларнинг

¹ Б.Н.Тошев Муаллифлик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2002.-Б.18.

² Э.П.Гаврилов. Авторское право. Издательские договоры. Авторский гонорар. –М.: Юридическая литература, 1988. –С.23.

³ И.В.Савельева. Охрана фонограмм. Материалы международной конференции. –М.: 1996 г., 6-8 декабря.

⁴ Инсон ҳуқуқлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.185.

мулкий ҳуқуқларига ўхшайди ва унга эргашиб юради”.¹ М.Фичорнинг таъбирича, Рим конвенцияси телевидение ва радиого қандай ҳуқуқлар тегишли бўлиши ва уни амалда қўллашда келиб чиқадиган муносабатларга кўра аниқланиши керак². Шундан келиб чиқиб, қонунчиликда турдош ҳуқуқлар субъектларига қандай ҳуқуқлар тааллуқли бўлишини аниқ белгилаб олиш мумкин.

Турдош ҳуқуқларда муаммо бўлаётгани бу - **“ижрони ёзиб олган шахс”нинг(телевидение, радиостудия) ҳуқуқлари**ни аниқлашдир. Ҳуқуқий адабиётларда ижрони ёзиб олувчи шахслар “фонограмма ишлаб чиқарувчилари” деб тан олинган. Қонунга кўра ижрони ёзиб олган шахс (оммавий ахборот воситаси) ёки унинг ҳуқуқий вориси қуйидагиларни амалга оширишга рухсат беришга ҳақлидир дейилган:

- ёзувни омма олдида такрорлаш;
- ёзувга тузатиш киритиш ёки уни ўзга тарзда қайта ишлаш;
- ёзувнинг нусхаларини тарқатиш (сотиш, ижарага бериш ва шу кабилар), шу жумладан, чет элга бериб юбориш;
- ёзув нусхаларини импорт қилиш;
- ёзувга ўзгартириш киритиш.

Қонуннинг бу нормасига кўра ижро ёзувини амалга оширган шахснинг шу ёзувлардан келгусида ўзгалар томонидан фойдаланишга рухсат бериш ҳаракатлари тушунилади. Аслида фонограмма ишлаб чиқарувчилари турдош ҳуқуқларнинг бошқа субъектларига ўхшаб фонограммадан ҳар қандай шаклда фойдаланиш, ҳар бир фойдаланишда тегишли ҳақ олиш каби мутлақ ҳуқуқларга эга³ бўлишини унутмаслик лозим. Республикамиз қонунчилигидаги бундай қарама-қаршиликни тузатиш лозим. Яъни, ижро ёзувини амалга оширган шахс фонограмма ишлаб чиқарувчи, деб тан

¹ А.П.Сергеев. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник.-М.: Проспект, 2000. –Б.219.

² М.Фичор. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. –Женева.: ВОИС, 1990.-С.48-54.

³ В.В.Белов, Г.В.Виталиев, Г.М. Денисов. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. Учебное пособие. –М.: Юристъ, 1997.-С.147.

олиниши ҳамда фонограмма ишлаб чиқарувининг мутлақ ҳуқуқлари ўрнатилиши ва фонограммдан фойдаланишда рухсат бериш ҳаракатлари алоҳида белгилаб қўйилиши керак.

Турдош ҳуқуқлар субъектлари сифатида оммавий ахборот воситалари ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларга риоя этган ҳолда, муаллиф томонидан шартнома асосида олган ҳуқуқларни учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмаслар. Қиёслайдиган бўлсак, муаллифлик ҳуқуқида ҳуқуқлар учинчи шахсларга фақат муаллиф ёки меросхўрлар розилиги билан ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Турдош ҳуқуқлар субъектларига алоҳида ҳуқуқлар тегишли. Масалан, телевидение ташкилотлари ўзлари томонидан яратилган асарни биринчи марта эълон қилган кундан бошлаб ҳуқуқлари 50 йил мобайнида ҳимоя қилинса, фонограмма яратувчилари ҳуқуқлари эса асар фонограмма шаклида ёзиб олинган кундан бошлаб 50 йил давомида ҳимоя қилинади.

Ҳимоянинг бундай икки хил қўлланиши аслида бу турдаги субъектларнинг ўз асарларидан бошқалар фойдаланишида юзага келадиган муносабатларнинг бошланиши билан характерланади. Хусусан, телевидение томонидан асар эфир орқали узатилмагунча, асар ўзгалар учун номаълум бўлиб тураверади. Фонограмма эса тайёр бўлган вақтдан бошлаб ўзгалар фойдаланиши учун мавжуд бўлади. Яъни, фонограммани оммавий эълон қилиш, унда жамланган асар (акустик товуш)ни қайта такрорлаб эшиттириш шарт эмас.

Турдош ҳуқуқларнинг субъекти сифатида оммавий ахборот воситалари (*эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар*) **ҳуқуқлари** қандай ҳолатларда амалга оширилишини аниқлаб олишдир.

Бу ташкилотлар ҳам ўз кўрсатув ва эшиттиришларидан исталган шаклда фойдаланиш ва учинчи шахсларга бундай кўрсатув ва эшиттиришлардан фойдаланиш учун рухсат бериш борасида алоҳида ҳуқуқларга эга (Фуқаролик кодексининг 1079, Қонуннинг 57-моддалари).

Кўрсатув ва эшиттиришлардан учинчи шахсларнинг фойдаланиши шартнома асосида амалга оширилади. Ҳуқуқ эгаси фойдаланишнинг ҳар бир тури учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, дейилади қонун нормаларида.

Қонунга кўра бу ташкилотлар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- кўрсатув ва эшиттиришни трасляция қилиш;
- эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришларни берувчи бошқа ташкилотларга ва кабел орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларга ўз кўрсатув ва эшиттиришларини бир вақтнинг ўзида трасляция қилишга ҳамда ретрансляция қилишга рухсат бериш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларини ёзиб олиш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришлари ёзувини такрорлаш;
- такрорланган ёзув нусхаларини тарқатиш;
- ўз кўрсатув ва эшиттиришларини трансляция қилишга ва бир вақтнинг ўзида кабел орқали трансляция (тўғридан-тўғри узатиш), ретрансляция (қайта узатиш) қилишда ҳамда бу кўрсатув ва эшиттиришлар ёзувини трансляция қилишга рухсат бериш;
- кириш пуллик бўлган жойларда оммавий трансляция қилиш ва такрорлаш, бошқа шахсларга шундай трансляция қилиш ва такрорлашга рухсат бериш.

Қонунчиликда *кабел орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг ҳуқуқлари* худди эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотлар ҳуқуқларига ўхшаб амалга оширилади, деб белгиланган¹. Қонунчиликнинг бу нормаси ҳам ҳанузгача олимлар ўртасида тортишувларга сабаб бўлмоқда.

Қонунчиликда субъектлар ҳуқуқларининг бундай таснифланиши соҳага оид амалдаги халқаро ҳужжатлар қоидаларига унчалик тўғри келмайди.

Қонунга кўра, эфир орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотнинг кўрсатув ва эшиттиришга бўлган ҳуқуқи уни биринчи марта

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 1996. –Б. 492.

эфирга трансляция (узатган вақтда) қилиш пайтидан бошлаб эллик йил мобайнида амал қилади. Бу қоида кабел орқали кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилот ҳуқуқларининг амал қилиш муддати доираси амалда бўлади.

Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар “ижтимоий мулк”ка айланади. Ижтимоий мулк ҳисобланган асардан ҳар қандай шахс ҳуқуқ эгасидан рухсат олмай ва ҳақ тўламаган ҳолда ундан эркин фойдаланиши мумкин. Бунда фақат асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқига, муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа ва асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа (шахсий номулкӣ ҳуқуқларга) риоя этилиши шарт.

Қонунчиликда истисно тариқасида аудиоёзувлардан шахсий мақсадларда фойдаланилган тақдирда тегишли ёзувнинг муаллифи, ижрочиси ва ишлаб чиқарувчиси тегишли ҳақ олиш ҳуқуқига эга бўлиши белгилаб қўйилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 1059 ва Қонуннинг 27-моддалари). Бундай тартиб Россия Федерацияси Қонунининг 42-моддасида ҳам айнан шундай белгиланган¹.

Муаллифлик ҳуқуқларининг чекланишларидан яна бири бу ҳамма бемалол бора оладиган жойларда доимий жойлашган асарлардан эркин фойдаланишдир. Ҳамма бемалол бора оладиган жойларда жойлашган архитектура, фотография, тасвирий санъат асарларини муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақи тўланмаган ҳолда такрорлаш (фойдаланиш), эфирга узатишга ёки ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабел орқали кўрсатишга йўл қўйилади.

Бу қоида асарнинг тасвири шундай такрорлашнинг, эфирга узатишнинг ёки ҳамманинг эътиборига етказиш учун кабел орқали узатишнинг асосий объекти бўлган ҳолларга нисбатан, шунингдек, асарнинг

¹ Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. Учебное пособие. –М.: Юрист, 1997. –Б.148.

ифодасидан тижорат мақсадларида фойдаланиладиган ҳолларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилот ўзи эфирга узатиш ҳуқуқини олган асарни муаллифлик ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва қўшимча ҳақ тўламаган ҳолда қисқа муддат фойдаланиш мақсадида ёзиб олишга ҳақли. Бунда эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотлар ёзуви ўз техник воситалари ва ускуналари ёрдамида ҳамда ўз кўрсатув ва эшиттиришлари учун амалга оширилиши шарт.

Қонун талабига кўра, бундай ёзувни сақлаб туришнинг узоқроқ муддати муаллиф билан келишилган бўлмаса, у тайёрлаганидан кейин олти ой ичида йўқ қилиб ташланиши лозим. Агарда, бу ёзув бутунлай ҳужжатли руҳда бўлса, у асар муаллифининг розилигисиз расмий архивларда сақлаш учун олиниши мумкин.

Эфир орқали кўрсатув ва эшиттиришлар берувчи ташкилотлар томонидан асарларни қисқа муддат фойдаланишда тижорат ёки реклама мақсадларида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқшунослик фани олдида муаллифларга тегишли бўлган бошқа ҳуқуқлар турдош ҳуқуқлар субъектларига нисбатан қандай алоқадорлиги, ҳуқуқларнинг бир-биридан фарқли томонлари илмий-назарий жиҳатдан исботланиши вазифа бўлиб қолмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида, хусусан, Франция, Англия, Германия ва бошқа давлатларда бу муаммога қонунчилик йўли билан ойдинлик киритилган¹. Айни вақтда бу масалага аниқлик киритиш учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳимояси билан бевосита шуғулланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг тажрибаси ҳамда фаолиятига бевосита суяниш мумкин. Умуман олганда, республикамиз фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигида

¹ Германский Закон об авторском праве и смежных правах от 9 сентября 1965 г. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. - М.: «Норма», 1999. -Французский Закон об авторском праве и смежных правах от 3 июля 1985 г. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. - М.: «Норма», 1999.

белгиланган турдош ҳуқуқлар субъектлари ҳуқуқларининг доирасини аниқлаб олиш ва уни янада кенгайтириш, турдош ҳуқуқлар объектлари мақомини аниқлаш ва унга қонуний таъриф бериш, нормаларни тўғри белгилаб олиш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида керакли назарий-ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш, уни қонунчиликда қўллаш чора-тадбирларини кўриш лозим бўлади.

2-БОБ. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГА РИОЯ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1.Оммавий ахборот воситаларида ҳимоя қилинадиган муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва асарлар

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва асарлардан турли шаклда ва турлича усулларда фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида бадиий, адабий, санъат ва илмий асарлардан фойдаланишга тегишли қонун ҳужжатлари асосида йўл қўйилиши мумкинлиги баён қилинган (26-модда). «Тегишли қонун ҳужжатлари» деганда, аввало, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчилик тушунилиши табиийдир. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасига кўра, муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек, ифодаланиш усулидан қатъий назар, тадбиқ қилинади.

Босма ОАВ – газета, журналлар, бошқа даврий нашрларда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадиган объектларга асосан матнли асарлар, шунингдек, фотография ҳамда рассомчилик, ноширлик фаолияти маҳсулотлари мансубдир. Баъзан, муаллифлик ҳуқуқини белгилашда чалкашликлар ёки адашиш ҳолатларининг олдини олиш учун айрим шартларга риоя қилиш лозим бўлади. Мисол учун фотосуратларга ва фотографияга хос усулда яратилган асарларга муаллифлик ҳуқуқини белгилашда уларнинг ҳар бирида муаллифнинг исми, олинган ва чоп этилган вақти кўрсатилган бўлиши талаб қилинади. Демак, асар қандай шаклда ва усулда яратилган бўлишига қарамай, унинг ҳар бир алоҳида ижод маҳсули эканлиги, аниқ кўриниб туриши лозим. шунинг учун муайян шаклга эга бўлган асарни сифат ва мазмун жиҳатдан бошқача шаклда яратиш ҳам

муаллифлик ҳуқуқи объекти бўла олади. Масалан, бир асар бўйича бир неча ва бир-бирини такрорламайдиган киносценарийлар яратиш мумкин.

1991 йилдан буён республикамиз мустақил давлат сифатида халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлса-да, лекин муаллифлик ҳуқуқига оид Конвенцияларда 2005 йил апрелдан иштирок этмоқда. Конвенция талабига кўра хорижий асарлар лицензия шартномасига кўра фойдаланилиши керак. Яъни, лицензия шартномасининг ишлаб чиқилиши, ваколатли органлар томонидан тасдиқланиб, ҳаётга тадбиқ этилиши, ҳимоя қилинадиган ҳар бир асар устидан хорижий мамлакатларда фойдаланишда улар устидан етарли назоратни ўрнатилишига сабаб бўлади¹.

Лицензия шартномаси тўғрисидаги назария ҳам Конвенция талабларидан келиб чиқиб яратилган. Бу назарияга кўра, ноширлик объекти ҳисобланган китоб, журнал, илмий мақола, тўпламлар ва бошқалардан фойдаланишда фақатгина лицензия шартномаси асосида йўл қўйилади. Бу шартномага кўра, бу асарни қайси тилга таржима қилиш, қайси нашриётда чоп этиш, унинг босма ҳажми, нусхаси, тўланиши лозим бўлган қалам (муаллифлик, мукофот) ҳақи миқдори ва тури (валюта, миллий пул бирлиги), ҳақни тўлаш тартиби ва бошқалар белгилаб олинади.

Лицензия асосида таржима қилинган ёки чоп этилган асар тижорат мақсадларида бошқа мамлакатларда чиқарилишига йўл қўйилмайди. Асарни таржима қилиб, нашр этган ташкилот шу асар ҳуқуқ эгасидан унинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини шартнома асосида олиб борган бўлса, асардан ўзгалар фойдаланишида назорат ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Таржима асарлардан ўзгалар томонидан фойдаланишда келиб чиқадиган муаммолар шундан иборатки, асарни дастлаб яратган муаллифдан ташқари яна бир нечта муаллифлар (таржимонлар) ҳуқуқ эгаси сифатида намоён бўлади. Бошқа шахслар томонидан шу оригинал (бирламчи) асарни яна бошқа тилларга таржима қилишда қайси муаллифдан рухсат олиш

¹ Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. – М.: Юрист, 2002.-С.67.

кўндаланг туради. яъни учинчи, тўртинчи ва ҳоказо таржимонлар асарни таржима қилишларида қайси муаллифдан рухсат олишлари лозим. Бундай ҳолларда муаллиф (таржимон) асарни қайси тилдан таржима қилмоқчи бўлса, ўша тилда таржима қилган муаллифдан рухсат олиб, асарни таржима қилишга киришади. Лекин асар таржимаси тугаб, нашр этилаётган ёки ўзгача кўринишда фойдаланилаётганда асар учун қалам ҳақи ҳам асарни яратган бирламчи муаллиф, ҳам уни таржима қилган таржимон, ҳам қайта таржима қилган таржимонга тўланиши лозим бўлади. Бундай тартиб муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини амалга оширишда белгиланган. Бу фаолият ҳуқуқӣ жихатдан лицензия шартномаси қоидаларига кўра амалга оширилиши, лицензия шартномаси орқали асардан фойдаланишга йўл қўйилиши билан ҳал этилиши ва шу тариқа муаммо ечилиши лозим.

Интервью ёзувига бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифлар тариқасида интервью берган шахс билан интервью ўтказган ва уни ёзиб олган шахсга, башарти улар ўртасидаги келишувда ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, тегишлидир. Интервью ёзувини эълон қилиш, кўрсатиш ва эшиттиришга интервью берган шахснинг розилиги билангина йўл қўйилади.

Асарлар яратилишини ташкил этувчи шахслар (фильмларнинг тайёрловчилари, продюсерлар ва шу кабилар) тегишли асарларнинг муаллифлари деб эътироф этилмайди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга доир қонунчиликни билиш ва риоя этиш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бир қанча муаллифлар ижодий меҳнатининг маҳсули бўлган фонограммалар, сахналаштирилган асарлар, фильмлар, видео-клиплардан фойдаланувчи ва уларга ҳақ тўлаши зарур бўлган электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятида бу борадаги қонунчиликнинг бутун нозикликларини билиш ўта зарурдир.

Аудиовизуал асар қуйидагилардан ташкил топади: бир-бирига боғлиқ бўлган кадрлар кетма–кетлиги (овоз ёки овозсиз шаклда), кўриш ва эшитиш имконияти мавжуд махсус техник воситалар ёрдамида яратилган асарлар.

конунга мувофиқ асардан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги шахсларга тегишли: режиссёр, сценарий муаллифи ва бастакор, бошқа шахсларга, жумладан юридик ва жисмоний шахсларга ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ёзма битим асосида амалга оширилади. Сценарий муаллифи ва бастакор ҳамкорликдаги ижодий меҳнат маҳсулини келажакда ҳам ишлатиш ва амалга ошириш ҳуқуқига эга. Яъни сценарий муаллифи ўз асарини бирор ерда чоп эттириб, ўз асарлари тўпламига киритиш мумкин. Шу ўринда бастакор ҳам ўз асарини кассета, диск ва бошқа шаклларда чиқариши мумкин.

Бироқ амалда кўп ҳолларда қатор муаммолар туғилади. Аудиовизуал асардан олинган алоҳида кадрларни қандай тартибда ишлатиш лозим? Хусусан, фильмлардан олинган алоҳида кадрлардан иллюстрация сифатида фойдаланилганда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш керак:

1. Алоҳида олинган кадрнинг муаллифи ким?
2. Журнал (газеталар)ни чоп этишда алоҳида кадрлардан фойдаланилганда, рухсат олиш лозим бўладими, ким бу ҳуқуқни бера олади?
3. Кадрлардан шу ҳолатда фойдаланиш учун муаллифга қўшимча мукофот берилиши шартми?
4. Алоҳида кадр муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинадими? Агар ҳимоя қилинса, муаллифлик ҳуқуқи фаолиятининг қайси турига мансуб?

Бир томондан кадр – аудиовизуал асардан олинган механик фрагмент бўлса, иккинчи томондан у мустақил равишда ишлатилиши мумкин. Бироқ кадр аудиовизуал асарнинг маълум бир «қисми» ҳисобланса-да, уни якка ҳолдаги асар деб атаб бўлмайди, аудиовизуал асарнинг маълум бир «қисми» бўлиб кирган асар тугалланган кўринишда бўлгандагина объектив равишда у алоҳида асар ҳисобланиши мумкин. Булар қаторига аудиовизуал асар таркибий тузилишини ташкил этадиган роман, қисса, ҳикоя, шеър ва бошқа ёзма асарлар, постановкачи расом томонидан яратилган асарлар (интерьер, декорациялар), асарга мос костюмлар яратувчининг ишлари ва ҳоказолар киради.

Қонунга мувофиқ «асардан фойдаланиш ҳуқуқи муаллиф билан меҳнат муносабатида бўлган кишига тегишли», - дейилади. Аммо, бу меҳнат муносабатларида бўлган тасвирчи муаллифлик шартномасини тузиши шарт эмас дегани эмас. Аксинча, ҳар бир янги асар яратилаётганда шу каби шартномалар тузилиши лозим. Айнан муаллифлик шартномаси саҳналаштирувчи - оператор белгиланган мукофот тўловларини таъминлашга хизмат қилади. Аммо буни саҳналаштирувчи - операторга тўланадиган ойлик иш ҳақи билан адаштирмаслик лозим. Мазкур мажбуриятларга риоя қилмаган продюсер қонунга асосан, суд мажлисида жавобгар сифатида айбланиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси бекор қилинганда асардан фойдаланиш ҳуқуқи автоматик равишда муаллифга қайтади. Продюсерда ҳам фойдаланиш ҳуқуқи қолиши учун яратилган материалга ҳақ олиш ҳақида яна қўшимча ўзаро шартнома тузиш керак. Саҳналаштирувчи-оператор яратган материалдан турли тарзда фойдаланилиши мумкин. Масалан, алоҳида олинган кадрлар оммавий ахборот воситаларида нашр қилинадиган мақолаларда иллюстрациялар сифатида қўлланилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолатда видеоёзувдан фойдаланиш учун алоҳида кўринишга эга бўлган бошқача усул вужудга келади¹.

Оммавий ахборот воситалари ва радио аҳолига мунтазам ҳамда тез ахборот етказадиган оммавий ахборот воситаларидан ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг эфир тўлқинлари Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон, шунингдек Афғонистоннинг шимолий ҳудудларини ҳам қамраб олган. Ўз навбатида бу кўшни давлатларда тайёрланган телерадио дастурлари ҳам мамлакатимиз ҳаво ҳудудлари бўйлаб тарқатилмоқда. Шу боис, турли ахборотларни сунъий йўлдош антенналари орқали қабул қилиш, шакллантириш ва кабель орқали узатиш фаолиятини диққатдан четда қолдирмай, бу ҳам маънавий—

¹ Окюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук.-Т.: ТГЮИ, 2000.-С.17.

мафкуравий, ҳам технологик аҳамиятга молик вазифа эканлигини эсдан чиқармаслик зарурдир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Америкалик олимлар рақамли технологиялар асрида муаллифлик ҳуқуқи муаммоларининг юзага келиш сабабларини қуйидагича келтирадилар:

- технологиялар ривожланиши ахборотни яратиш, тарқатиш, назорат қилиш ҳамда нашр этиш имкониятларида туб ўзгаришлар ясади;

- унинг кундалик ҳаётга тижорийлашуви ва интеграциялашуви натижасида информацион инфраструктура интеллектуал мулк ҳуқуқи билан тўқнаш келди¹.

Рақамли нусхалар асл нусхадан фарқ қилмайди, қайта ишлашга эса қонунбузар деярли ҳеч нарса сарфламайди. Муаллифлар ва қонунбузарлар ахборотни тарқатишда бирдек вақт тезлиги имкониятига эгадир.

Муסיқа мухлислари тайёр компакт–дискларни сотиб олишдан кўра, сеvimли ижрочиларининг қўшиқларини интернетдан тармоғидан ёки оммавий ахборот воситалари эфирларидан мустақил ёзиб олишни афзал кўришади. Улар ёзиб олиб, CD нусхаларини тайёрлашади. Бундай нусхаларнинг сифати ҳақиқий Cdдан қолишмайди. Бу ҳолат граммофон маҳсулотлар саноатига жиддий зарар етказмоқда, яъни муסיқачилар компакт –дисклар ва аудиокассеталардаги асарларининг сотилишидан тушадиган даромаднинг катта қисмидан айрилмоқда. Pricewaterhouse Coopers

¹ Атоев С. Защита авторских прав в интернете. –Инфаком, 2003. –С.17.

консалтинг фирмасининг маълумотларига кўра, 2002 йил АҚШда сотилган музикаий компакт – дисклар 9%га камайган. Ўша йили 33,5 млн. CD сотилган, бу рақам 2000 йилдагига нисбатан икки баравар камдир. Мутахассислар фикрича, бунинг сабаби сотиб олинган альбомлардан нусха кўчиришда эмас, балки Интернет туфайлидир¹.

Муаллифлик ҳуқуқи эгалари ва жуда катта миқдордаги замонавий музика асарларидан эркин фойдаланиш имкониятини берувчи Napster сайти орасидаги кўп йиллик судлов жараёнлари самарасиз тугади. Сайт ёпилди, бироқ бошқа лойиҳа вакиллари унинг ишини давом эттирди. Жумладан, Limewire, Imesh, Grokster, Audiogalaxy каби бир қатор сайтлар тармоқ фойдаланувчиларига P2P дастурий таъминотидан қўллаган ҳолда бепул равишда музикаий фонотекадан фойдаланиш имкониятини бера бошлади. АҚШ овоз ёзиш саноати Ассоциацияси (The Recording Industry Association of America) маълумотларига асосан, ҳозирда овоз ёзиш компаниялари ва студияларининг йиллик зарари 300 млн. долларни ташкил этмоқда. Ассоциация ходимлари интернетдаги қароқчилар билан курашишга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун қонуний музика ёзувларини тақдим этувчи Emusic, Pressplay, Rhapsody каби интернет лойиҳалари очилди, бироқ бу порталлар оммавийлашмади. Ассоциация интернетдаги йирик музикаий коллекционерлар эгаларини излай бошладилар. Ўн ҳафта давомида энг хавфли қароқчиларнинг «қора рўйхати» тайёрланди. Сўнгра Ассоциация ҳуқуқшунослари уларга келтирилган зарар тўғрисидаги айбловни тайёрладилар. Бироқ музикадан бепул фойдаланиш тарафдорлари кўпайиб борди. Electronic Frontier Foundation ташкилотининг маълумотларига кўра, АҚШнинг 60 млн. аҳолиси музикаий ёзувларни бепул тақдим этувчи сайт хизматларидан фойдаланар экан. Бу ташкилот ходимларининг фикрича, музикачилар меҳнатига ҳақ тўлаш масаласини бошқа усулларни қўллаш

¹ Юсуфов А. Борьба с правонарушениями в сфере ИС: проблемы формирования правоприменительной практики // ИС. Промышленная собственность, 2004. № 12. -С.30-40.

орқали ҳал этиш лозим, музиканинг эркин тарқалишига тўсиқ чин маънодаги сўз эркинлигига қарши курашдир.

Ipsos – Reid фирмаси ўтказган электрон сўров натижаларига кўра, 12 ёшдан катта бўлган америкаликларнинг 23%и (50 миллиондан ортиқ) интернет тизимидан музикаий файлларни ёзиб оладилар. Шунингдек, CNN телекомпанияси ҳамда USA Today газетасининг ўтказган сўровномасида иштирок этган америкаликларнинг 43%и бундай хатти–ҳаралатлар муаллифлик ҳуқуқини бузилмаётганлиги ва мутлақ қонуний эканлигини таъкидлашган¹.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, оммавий ахборот воситаларида, хусусан, интернетда муаллифлик ҳуқуқи бузилишининг энг кенг тарқалган кўриниши муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириш–қароқчилик ҳисобланади. Бундай хавф интеллектуал мулкларнинг деярли барча кўринишларига таҳдид солади. Бугунги кунда нафақат ҳаваскорлик сайтларида, балки турли ташкилот сайтларида ҳам ноқонуний йўл билан олинган матнлар, тасвирлар, аудио–видео файллар ва ЭҲМ дастурларини кўриш мумкин. Ўз меҳнат маҳсулини назоратсиз тарқатилишидан энг катта зарарни музикаий асарлар ва ЭҲМ дастурлари муаллифлари кўрмоқда. Интернетда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўзига хос бўлиб, уни алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлар ҳуқуқи поймол бўлишининг олдини олиш, қароқчиларни излаб топиш ва жазолаш, кундан–кунга ривожланаётган интеллектуал мулкка бўлган таҳдидларни бартараф этишнинг янги ва самарали усулларини ўйлаб топиш каби вазифалар бугунги дунёнинг глобал масалаларидан бири бўлиб турибди.

¹ (Washington ProFile. International Information Agency. <http://www.washprofile.org/arch> 0403/07).

2.2.Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик асаридан фойдаланиш ва тарқатиш тартиблари

Муаллиф ўз асаридан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш борасида алоҳида ҳуқуқларга эга. Асарни такрорлаш ва уни тарқатиш, бошқа йўллар билан реализация қилиш, хусусан: асарни омма олдида намойиш этиш (кўргазмага қўйиш, экспонат сифатида кўрсатиш); асарнинг моддий жисмини ташкил этувчи нусхасини ижарага бериш; асарни омма олдида ижро этиш; асарни эфирга узатиш (радио ёки оммавий ахборот воситалари орқали трансляция қилиш), шу жумладан, кабель ёки алоқа йўлдоши орқали бериш; асарни техника ёрдамида ёзиб олиш; асарни техникавий ёзувини эшиттириш ёки кўрсатиш, шу жумладан, радио ёки оммавий ахборот воситалари орқали; асардан кейинчалик фойдаланиш мақсадида уни таржима қилиш ёки қайта ишлаш кабилар асардан фойдаланиш ҳисобланади.

Аудиовизуал асар, шу жумладан, фильм яратиш хусусида шартнома тузиш, башарти бундай шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, мазкур асар муаллифларининг асарни такрорлашга, уни тарқатишга, омма олдида ижро этишга, барчанинг эътиборига етказиш учун кабель орқали беришга, эфирга узатиш ёки асардан бошқа ҳар қандай тарзда оммавий фойдаланишга, фильм матнини субтитрлаш дубляж қилишга бўлган алоҳида ҳуқуқларининг асарни тайёрловчига ўтишига олиб келмайди¹.

Мазкур ҳуқуқлар аудиовизуал асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати давомида амал қилади. Фильм тайёрловчиси бу асардан ҳар қандай тарзда фойдаланганда ҳам ўз исми-шарифи ёки номини кўрсатишга ёхуд исми-шарифи ёки номини кўрсатилишини талаб қилишга ҳақлидир. Фильм омма олдида намойиш этилганида мусиқа асарининг муаллифи ўзининг мусиқа асари (матнли ёки матнсиз) омма олдида ижро

¹ О. Оқюлов. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2004.- Б.187.

этилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Фильм муаллифи ва фильмга бўлган мулкӣ ҳуқуқнинг бошқа эгалари розилигисиз фильмнинг охириги вариантини (ёзувнинг асл нусхасини) йўқ қилиб юбориш таъқиқланади.

Муаллиф ижоди билан машғул бўлаверади, биз унинг ҳисоб рақамига лицензия шартномасининг кучи билан нашриётдан оладиган гонорарини ўтказиб, шу шаклда муаллиф ҳуқуқининг қонуний ҳимоясини таъминлаб берамиз. Муаллифлик лицензия шартномаси амалга тадбиқ этилса, ҳозирда жуда оммалашаётган «қароқчилар» ҳамда муаллифлик ҳуқуқлари билан боғлиқ бошқа муаммолар ўз ечимини топади. Ҳозирча мавжуд қонун доирасида иш кўришга кучимиз етмаяпти. Сабаби, муаллифларимиз ўз ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Оддий мисол: адабиёт, санъат, илм соҳасида фаолият кўрсатаётган кўпгина муаллифларимиз ҳуқуқлари поймол этилаётганини кузатсалар-да, бунга «барибир адолат йўқ» деб қўл силтаб кетаверишади. Шунингдек, ўша «қароқчилик» билан шуғулланаётганлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларидан, афсуски, ҳайиқишмайди ҳам. Биладиларки, қўлга тушсалар, арзимас жарима билан осонгина қутулиб кетишлари мумкин».

Қонунчиликка кўра, асар муаллифига қуйидаги шахсий номулкӣ ҳуқуқлар тегишлидир: муаллифлик ҳуқуқи; муаллифлик номига бўлган ҳуқуқ; асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ. Муаллиф шахсий номулкӣ ҳуқуқларни амалга оширишдан воз кечиш тўғрисида бирон–бир шахс билан тузган битим ва муаллифнинг бу ҳақдаги аризаси аҳамиятсиздир. Муаллиф (ҳаммуаллифлар)нинг ўзи яратган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бошқа шахсларнинг айнан шу асарга муаллифлик ҳуқуқи эътироф қилинишини истисно этади. Муаллиф асардан ўз исми-шарифини, таҳаллусини кўрсатган ҳолда ёки имзосиз фойдаланиш ёки шу тарзда фойдаланишга рухсат бериш борасидаги алоҳида ҳуқуққа (муаллифлик номига бўлган ҳуқуққа) эгадир. Муаллиф ўз асарига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон–бир шахс томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар

киритилишидан асарини ҳимоя қилиши борасида алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эгадир. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш чоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам, муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам бирон – бир ўзгартириш киритишга фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади. Муаллифнинг розилигисиз унинг асарларини безаклар билан, сўзбоши, хотима, шарҳ ёки бирон-бир тушунтиришлар билан нашр этиш таъқиқланади. Муаллифнинг вафотидан кейин асарнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш васиятномада кўрсатилган шахс томонидан, бундай кўрсатма бўлмаган тақдирда эса муаллифларнинг меросхўрлари, шунингдек, қонунга мувофиқ зиммасига муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган шахслар томонидан амалга оширилади.

Албатта, асардан фойдаланишнинг барча ҳолатлари ҳам муаллифлик ҳуқуқи томонидан қўриқланавермайди. Масалан, Карим Маҳмудовнинг «Ўзбек таомлари» номли машҳур китоби бор. Унда муаллиф меҳмоннавозлик таомилларини тасвирлаш билан бир қаторда ўзи тайёрлаган қатор таомларнинг рецептларини ҳам тақдим этган. Дейлик, мазкур китобнинг муаллифи йўл бўйидаги ошхона ёнидан ўтаётиб, таниш ҳидни сезди ва ошхонага кириб, ошпаздан кимнинг рецепти бўйича овқат тайёрлаётганини сўради. Ошпаз унга «Карим Маҳмудов деган кишининг китобидаги фалон рецептга кўра тайёрлаяпман», - дейди. Муаллиф: «Кечирасиз, Карим Маҳмудов-менман. Асаримдан фойдаланганингиз учун ҳақини тўлаб қўйинг!» дейиши ва ундириши мумкинми? Йўқ, чунки китобдаги ғоялар, мазмундан фойдаланиш муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинмайди. Мазкур рецептдан фойдаланиш патент ҳуқуқи ёки кашфиётчилик ҳуқуқи билан ҳимоя қилиниши мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимоя қилинмайди.

Муаллиф номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланишларига имкон яратиб бериш ҳуқуқи (асарни эълон қилиш ҳуқуқи)га эгадир. Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш, оммага

намойиш этиш йўли билан ёки бошқа тарзда оммавийлаштириш орқали муаллиф томонидан ёки унинг розилиги билан номуайян доирадаги шахсларнинг асардан фойдаланиш учун биринчи бор имкон яратиб берилса, асар эълон қилинган ҳисобланади. Муаллиф асарни эълон қилиш тўғрисида илгари қабул қилган қароридан асардан фойдаланиш ҳуқуқини олган шахсларга улар шундай қарор туфайли кўрган зарарнинг ўрнини, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаш шарти билан воз кечиш ҳуқуқига (асарни чақириб олиш ҳуқуқига) эгадир. Башарти асар эълон қилинган бўлса, муаллиф ўз асарини чақириб олганлигини оммага маълум қилиши шарт. Бунда муаллиф асарнинг аввал тайёрлаб қўйилган нусхаларини ўз ҳисобидан муомаладан олиб қўйишга ҳақлидир.

Асарга унинг объекти шаклини, ақалли асл нусхасида қандай бўлса, шу ҳолдаги шаклини қайта бериш (асарни нашр этиш, аудио ёки видеоёзувлардан нусха кўпайтириш ва шу кабилар) асарни такрорлаш ҳисобланади¹.

Асар нусхаларини сотиш, алмаштириш, ижарага бериш ёки улар иштирокида бошқа амалларни бажариш, шу жумладан, уларни импорт қилиш асарни тарқатиш ҳисобланади. Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланишга зарар етмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларини камситмаслик шарти билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

- чоп этилган асарни уларнинг олинган цитаталар тарзида (асл нусха тилида ва таржимада), шу жумладан, газета ва журналларнинг мақолаларидан олинган парчалар тарзида цитатадан кўзланган мақсадга мос ҳажмда илмий, тадқиқот, танқид ва ахборот мақсадларида такрорлаш ҳамда тарқатиш;

- чоп этилган асарларни таълим, ўқув тусидаги нашрларда, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар, аудио ва видео ёзувларда мисол

¹ Бернская конвенция об охране литературных и художественных произведений. -Женева.: ВОИС, 1990. – С.11.

тариқасида қўйилган мақсадга лойиқ ҳажмда такрорлаш, техника ёрдамида ёзиб олиш ва эфир орқали бериш, кундалик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний масалалар юзасидан газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар ёки эфир орқали берилган шу тусдаги асарларни газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш, (бундай фойдаланиш муаллиф томонидан атайин таъқиқланган ҳоллар бундан мустасно);

- омма олдида сўзланган сиёсий нутқлар, мурожаатлар, маърузалар ва шунга ўхшаш асарларни қўйилган мақсадга мос ҳажмда газеталарда такрорлаш, эфирга узатиш;

- кундалик воқеалар жараёнида кўриш ёки эшитиш мумкин бўлган асарларни ана шундай воқеаларнинг шарҳларида ахборот мақсадига мос ҳажмда такрорлаш, омма олдида намойиш этиш, эфирга узатиш;

- фойда олишни кўзламаган ҳолда кўзи ожизлар учун қабарик нуқтали ҳарфлар ёки бошқа усуллар билан чоп этилган асарларни такрорлаш, фойдаланишнинг ана шундай усуллари учун атайин яратилган асарлар бундан мустасно.

Шундай қилиб, муаллифлик ҳуқуқи нимани ман қилади? Муаллиф нимани назорат эта олади? Муаллифлик ҳуқуқининг субъекти асарнинг такрорланиши (ижро этилиши, намойиш қилиниши, эфирга узатилиши) ёки кўпайтирилишини назорат қилади. Иккинчидан, у асарнинг кўпайтирилган нусхаларининг тарқатилишини назорат қилади. Учинчидан, у асарнинг импорт қилинишини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 149–моддасига мувофиқ, тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ва эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдода жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

ОАВ эркин бўлса-да, лекин муаллифлар олдида маълум мажбуриятларга эга. ОАВнинг бу мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- муаллифлар билан шартнома тузган ҳолда асарлардан фойдаланиш;
- хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг асарларидан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш;
- олинган манбалар ва ҳуқуқ эгалари номларини албатта кўрсатиш;
- асарлардан парча олганда амалдаги талабларга (манбани кўрсатиш, муаллиф номига ҳавола қилиш ва бошқалар) риоя этиш, асарларнинг дахлсизлигига путур етказмаслик;
- асарларни таржима қилиб эълон қилаётганда ҳуқуқ эгаларидан розилик олиш;
- асарлардан фойдаланган (такроран фойдаланган)да ҳуқуқ эгаларига белгиланган тартибда муаллифлик ҳақи тўлаш;
- бошқа ОАВ саҳифаларидаги ахборотларни эълон қилганда уларнинг розилигини олиш, рухсат асосида ўз саҳифаларида фойдаланиш;
- интервью олишда ва уни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, интервью берувчига тегишли муаллифлик ҳақи тўлаш;
- рекламада асарлардан фойдаланишда алоҳида рухсат олиш ва бошқалар.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликда муаллифларга ҳақ тўламай ва уларнинг розилигисиз асарларидан қисқа ахборотлар тайёрлаш, фавқулодда ҳолатлар ва бошқа ҳолларда фойдаланишга йўл қўйилади. Бу қоида асосан жамиятни тезкор ва муҳим ахборотлар билан таъминлаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақида фуқароларни хабардор қилиш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

ОАВ билан муаллифлар ўртасидаги асосий келишмовчиликлар-бу муаллифларга ҳақ тўлаш пайтида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ОАВ таҳририятлари ўз саҳифаларида жойлаштирадиган ахборот (асар)ларга ҳажми ва жанрига қараб қанча ҳақ тўлаш тарифларини олдиндан белгилаб қўйишлари лозим. Бундай талабни интернет соҳибларига нисбатан қўллаш

мумкин эмас. Шу жиҳатдан ҳам яна бир бор интернет ОАВ эмас, деган хулосага келиш мумкин.

ОАВ воситалари олдидаги асосий муаммолардан бири-бу муаллиф (ҳуқуқ эгаси) билан шартнома тузиш. Қонунчиликка кўра ОАВ таҳририяти ҳар қандай шахснинг биринчи марта асари (интервьюси)ни эълон қилаётган пайтда шу шахс билан муаллифлик шартномаси тузиши керак. Шартнома фақат ёзма равишда тузилади ва амал қилишининг аниқ муддати кўрсатилади ёки шартнома муддатсиз тузилади. Узоқда яшаётган муаллиф ёки суҳбатдош билан шартнома унинг нусхасини уларга юбориш ёки уларни шахсан таҳририятга таклиф этиш орқали расмийлаштирилиши мумкин. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек, почта, телеграф, телетайп, электрон алоқа ёки ишончли равишда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқалар ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин. Шартномада асарлардан фойдаланиш ҳажми ва жанри кўрсатилган ҳолда уларга тўланадиган муаллифлик ҳақи миқдори, асардан такроран фойдаланиш ёки бошқа тилларга таржима қилиш шартлари кўрсатилади. Шартнома томонларнинг бирининг олдиндан ёзма равишдаги огоҳлантириши орқали бекор қилиниши мумкин.

Муаллиф асаридан ОАВ саҳифасидаги рекламада фойдаланишда алоҳида шартнома тузилади. Бунда рекламанинг хусусияти, фойдаланиш шартлари ва тўланадиган ҳақ миқдори кўрсатилади. ОАВ эълон қилаётган ҳар бир реклама учун алоҳида шартнома тузилади, яъни шартноманинг амал қилиши мақсадли ва бир марталик ҳисобланади¹.

Бугунги кунда республикаимиз ОАВ таҳририятлари томонидан халқаро Интернет тармоғидан ахборотлар олиб, уларни даврий нашрлар саҳифаларида эълон қилиш одатга айланиб бормоқда. Бу эса ОАВнинг асосий вазифаларидан чалғишига олиб келади ва улар ўз олдига қўйган йўналишларни тўла бажаришига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Айниқса, бу

¹ Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1997. –Б.28.

ҳолат ОАВ ўз обуначилари олдидаги сифатли ва улар хоҳлаган ахборотларни тарқатиш орқали ўз мажбуриятларининг бажармаслигига ҳам сабаб бўлади. Энг муҳими ОАВ хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз улар асарларидан рухсатсиз фойдаланишлари уларнинг ҳақли норозилигига олиб келади.

Хулоса қилиб айтилганда, ОАВ томонидан ўзгалар асарларидан рухсатсиз энг кўп фойдаланиш ҳоллари фотография ёки тасвирий санъат асарларидан фойдаланишда юзага келмоқда. Кейинги пайтларда бу турдаги объектлардан рухсатсиз фойдаланиш натижасида айрим даврий нашрларнинг ҳатто суд идоралари олдида жавоб беришига ҳам тўғри келди.

Умуман олганда, ОАВ ва журналистлар томонидан муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, асарлар дахлсизлигини таъминлаш, ўзгалар асаридан фақат тегишли рухсат асосида фойдаланиш, асарлардан фойдаланганда тегишли муаллифлик ҳақи тўлаш, саҳифаларини иложи борида ўз материаллари билан тўлдириш асосий вазифа бўлиб қолиши керак.

2.3. Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик шартномасининг қўлланиши

Муаллифлик ҳуқуқида ҳимоя шакли сифатида энг кўп ва кенг тарқалган шакл – бу шартномалардир. Муаллифлик шартномалари фуқаролик битимлари, меҳнат шартномаларидан тубдан фарқ қилади, у фақат муаллифлик ҳуқуқининг объектларидан фойдаланиш ёки шу объектларни (асарларни) яратиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Муаллифлик шартномалари фуқаролик ҳуқуқи шартномаларининг бир тури ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқида «шартнома» термини икки хил маънони англатади. Биринчиси, шартнома – бу икки ёки бир нечта шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ёки мажбуриятларининг ўзгартирилиши ёки тугатилиши ҳақидаги келишув, бу келишувда камида иккита шахс иштирок этиши керак; иккинчиси, «шартнома» термини шартнома тузилгандан кейин томонлар ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши шартлиги маъносида ҳам қўлланилади¹. Шундай қилиб, шартнома - бу икки томон ўртасида фуқаролик ҳуқуқлари мажбуриятларидан юзага келган келишув натижасида пайдо бўлган ва бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлардир.

Шунингдек, муаллифлик шартномаси икки шахснинг муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асардан фойдаланиши ҳақидаги келишув ҳам ҳисобланиб, бу тузилган шартнома асосида тегишли мажбуриятларни бажарган ҳолда интеллектуал асардан фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунида шартномани тузиш эркинлиги ва у тузилгандан кейин уни бажарилиши мажбурий эканлиги таъкидланган. Башарти «муаллифлик шартномаси бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган томон бошқа томонга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани ҳам қоплаши шарт».

¹ Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. –Т.: Меҳнат, 2003. –Б.58.

Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун (буюртма шартномаси) тузилади. Асардан у ёки бу доирада фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган битим ҳам (муаллифлик лицензия шартномаси) муаллифлик шартномаси ҳисобланади. Муаллифлик лицензия шартномаси маълум бир вақтгача ва маълум доирада амал қилиши билан фарқланади. Лицензия шартномасининг ўрнатилиши ижобийлиги билан бир вақтда фаолият давомида турли муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Масалан, ҳуқуқ эгалари (фойдаланувчилар) бу лицензияга кўра, республика ичкарасида ишлаб чиқарилган интеллектуал маҳсулотлардангина фойдаланишлари лозим. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар республикага халқаро шартномалар асосида ёки ҳуқуқ эгасининг розилигига кўра келтирилиши керак. Бундай рухсатноманинг бўлмаслиги тўғридан-тўғри лицензия олувчининг (ҳуқуқ эгасининг) асарлардан фойдаланишида ҳуқуқларини чеклаб қўяди¹.

«Бутунжаҳон муаллифлик ҳуқуқи Конвенцияси талабларига кўра, таржима қилиш учун асар биринчи марта эълон қилинган кундан бошлаб уч йил муддат ўтгандан сўнг лицензия шартномалари тузишга рухсат берилади. Маҳаллий тилларга таржима қилиш учун эса бир йил муддат ўтиши талаб қилинади. Конвенция талабига кўра, таржима учун муаллифлик ҳақи хорижий валютада тўланади».

ОАВда муаллифлик шартномаларини тузишда умумий шартномаларга тегишли иккита асосий принципни ёдда тутмоқ керак. Биринчидан, фуқаролар ва ташкилотларнинг шартнома тузиш ёки тузмаслигининг эркинлигидир. Шартноманинг ким билан ва қандай ҳолларда тузилиши ҳам эркиндир. Томонлар шартномани бошқа шартномаларнинг ҳар хил қисмларидан ташкил топган ҳолда ҳам тузишлари мумкин (масалан, молия шартномаси ва муаллифлик шартномаси), бунда муаллифлик

¹ Шмиттгофф К. Экспорт: право и практика международной торговли.-Москва.: Юридическая литература, 1993. –С.139.

шартномаси таркибида муаллифлик ҳуқуқи нормалари қўлланилиши шарт.

Агар, муаллиф ва ОАВ ходими шартнома тузишни хоҳлашмаса, уни тузишлари шарт эмас. Бироқ яна шуни назарда тутиш керакки, сукут сақлаш, тузилаётган шартномага розилик белгисини билдирмайди. Шунинг учун бир томоннинг жавоби бўлмаса, муаллифлик шартномаси тузилган ҳисобланмайди. Масалан, агар журналист ўзининг мақоласини газетага жўнатса ва у шундай деб кўрсатиб ўтган бўлса: «мақоламнинг нашри учун 1000 сўм гонорар олишга розиман, агар икки ҳафта ичида сиздан жавоб олмасам, мақоламни нашр этишга рози эканлигингиз маъносида тушунаман», шартнома тузилган ҳисобланмайди. Умуман олганда, қонунчилигимизга кўра, «муаллифлик шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно».

Агар, томонлар ўз хоҳишлари билан шартнома тузишса, бунда томонлар шартнома асосида ўз зиммаларига олган мажбуриятларни ўзгартириши, бекор қилиши ёки шартномадан бутунлай воз кечиши мумкин эмас. «Шартномалар бажарилиши шарт (*pacta sunt servanda*), шунинг учун ҳам у шартнома» - бу норма қадимги Рим ҳуқуқларида ҳам кўрсатилган»¹ ҳамда Ўзбекистон қонунчилигида ҳам тўлиқ қўлланилиши белгилаб қўйилган.

Асардан даврий нашрларда фойдаланиш ҳақида оғзаки шартнома ҳам тузилиши мумкин. Бироқ у ўзаро тортишувлар юзага келганда узоқ ва ечимсиз келишмовчиликларга сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Республикамизда чоп этиладиган газета ва журналларимизнинг аксариятида шартнома тузилмайди, шу туфайли кўпинча таҳририят ва муаллифлар ўртасида доимий тортишувлар кўзга ташланади. Бу салбий ҳолат муаллифларнинг ўз ҳуқуқларини билмаслиги ёки этиборсизлиги, шунингдек, таҳририят ходимларининг ҳам ўз навбатида улар ҳуқуқларини ҳурмат қилмасликлари билан белгиланади. Электрон ОАВ (радио, оммавий ахборот воситалари)да ёзма шартнома тузиш мақсадга мувофиқдир. Афсуски, бу соҳадаги ижодкорларимиз ҳам муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясининг энг асосий

омилларидан бири шартномага жуда бефарқ қарашади, «ғишт қолипдан кўчгач»гина «югуриб қолишади». Шунинг учун ОАВда оғзаки муаллифлик шартномалари тузилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида тўхталсак. Бир томондан, шартноманинг ёзма шаклда эмаслиги уни йўққа чиқармаслиги мумкин (агар шартномада қонунга зид ҳолатлар бўлмаса), бироқ ўртада ўзаро тортишув пайдо бўлса, томонлар ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўладилар, чунки уларда шартноманинг ҳақиқийлиги ҳақида гувоҳлик кўрсатмалари йўқ¹. Шундай бўлса-да, қонун ушбу ҳолатда уларни ёзма (газета ёки журналда эълон қилинган муаллиф асари) ва бошқа далилларни кўрсатиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Ёзма ОАВда оғзаки муаллифлик шартномаси тузилганми, йўқми, деган тортишув кетса, масалага юқоридаги тарзда ойдинлик киритиш мумкин, лекин электрон ОАВда бу биров мушкулроқ. Шунга қарамай, оммавий ахборот воситалари ва радиода ҳам бундай вазиятда тегишли далилларни кўрсатса бўлади, масалан, материалнинг қўлёзма нусхасидаги муаллиф имзоси ёки тўлов қоғозидаги имзо ва ҳоказо. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, шартноманинг ёзма шаклда тузилмаслиги кўпинча вазиятни чигаллашишига олиб келади.

Агар томонлар ўртасида оғзаки шартнома тузилган бўлса, фараз қилинадики, муаллиф ОАВнинг ўша ходимига ўз асаридан бир марта фойдаланиш ҳуқуқини кўрсатилган шароитда берган. Бу шартнома асосида ОАВ ходими асардан қайта фойдаланишга, асардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришга, муаллифнинг бу асарни бошқа шахсларга фойдаланишга бериш ҳуқуқини чеклашга ҳаққи йўқ. Шунингдек, оғзаки шартнома муаллиф асарнинг асл нусхасини бераётганлигини, унинг аввал ҳеч қачон, ҳеч қаерда фойдаланмаганлигини тасдиқламайди. Шунинг учун ҳам муаллифлик шартномасининг оғзаки шаклда тузилиши иккала томон учун ҳам ишончли ҳисобланмайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам шартнома асосида фойдаланилган асар учун

¹ Насриев И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. -Т.: Меҳнат, 2003.-Б. 153-160.

муаллифга мукофот тўланиши шарт, деб қаралади. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф фойдаланилган асари учун унга пул ваъда қилинганини исботлаши керак эмас, аксинча, ОАВ ходими муаллиф ўз асаридан фойдаланишга рози бўлганлигини исботлаши лозим.

Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек, почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли равишда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқалар ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин¹. Шундай қилиб, муаллифлик шартномасининг ёзма шакли ишончли, қонуний ҳужжат ҳисобланар экан, унинг таркибий тузилиши қандай бўлиши кераклигини кўриб чиқамиз. Ёзма шартноманинг мукамал бўлиши икки томоннинг ўзаро манфаатларига боғлиқ. Бу билан ёзма шартнома катта ҳажмда бўлиши керак, деб ўйлаш ярамайди, у бир нечта жумлалардан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунинг назарда тутиш керакки, ОАВда доимий қатнашиб келаётган муаллифлар билан умумий шартнома тузиш мумкин, ишчилар ва ходимлар билан шартнома тузиш шарт эмас.

Жаҳон тажрибасига мувофиқ, умумий ёзма шартномада тахминан қуйидаги ҳолатлар қайд этилиши лозим:

1. Муаллиф томонидан тақдим этилаётган асарнинг асл нусха (оригинал) ва аввал фойдаланмаганлиги ҳақидаги ҳолат. Агар муаллиф тақдим этаётган асар аввал фойдаланилган бўлса, у бу ҳақда очиқ баён қилиши лозим;

2. Қанча вақт мобайнида ОАВ ходими муаллифга унинг асари қабул қилинган ёки қайтарилганлиги ҳақидаги хабарни етказиши кераклиги ҳақидаги ҳолат. Тезкор материаллар учун қисқа муддат (1-2 кун) танланиши мумкин. Узоқ вақт ўз долзарблилигини сақлай оладиган материаллар учун бу муддат 1-2 ой бўлиши мумкин. Агар, шу муддат ичида материал қабул қилинса (ким томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши керак), унда

¹ Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник. -М.: Проспект. 2000. –С.219.

шартнома тузилган ҳисобланади;

3. ОАВ ходимининг қабул қилинган асардан фойдаланиш мажбурияти ҳақидаги ҳолат. Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, шартномада ОАВ ходимига асардан фойдаланиш мажбурияти кўрсатилмаган бўлса, муаллиф асардан фойдаланиш шартлигини талаб қилиши мумкин эмас;

4. Муаллиф ўз асарини топширгандан кейин уни бошқа шахсларга фойдаланишга беришга ҳаққи йўқлиги ҳақидаги ҳолат. Агар бу ҳолат кўрсатилмаган бўлса, муаллиф ўз материалларини ҳар хил ОАВга тақдим этиши мумкин. қабул қилинган асарга белгиланган муддат давомида муаллиф ўз асарини бошқа шахсларга бермаслик мажбуриятини олади. Ана шундай шартнома ҳолатидан бир мисол келтирамиз: «Муаллиф ўз асарини кўриб чиқишга бергандан сўнг 10 кун мобайнида бошқа шахсларга бериши керак эмас. Агар, асар қабул қилиниб, ундан фойдаланилса, унда муаллиф асарни бошқа шахсларга (қайта ишланган ёки асл ҳолича) 6 ойгача беришга ҳаққи йўқ»;

5. Асарнинг қайтадан ишлатилиш имконияти ҳақидаги ҳолат. Кўпинча газета ва журналларда сурат ва расмлардан такроран фойдаланиш эҳтиёжи туғилади. Радиостанцияларда, шунингдек, телестанцияларда эфирга кетган эшиттириш ва кўрсатувлардан қайта фойдаланишга тўғри келади. Асардан ҳар қандай тарзда такрор фойдаланиш учун муаллифнинг розилиги олинishi керак. муаллифнинг розилигисиз фойдаланилган ҳар қандай асар ноқонуний фойдаланилган ҳисобланади. Шунини таъкидлаш керакки, агар асар ташкилотнинг меҳнат шартномаси асосида топширилган бўлса, унда муаллифнинг розилигисиз ундан қайта фойдаланиш мумкин;

6. Муаллифлик ҳақининг шартлари ҳақидаги ҳолат. Бу аниқ белгиланган миқдор ҳам бўлиши мумкин. («бир муаллифлик қоғози учун 500 сўм»), ёки мўлжалланган нарх («200 сўмдан 800 сўмгача»), ёки тасдиқланган ОАВ ходими билан келишилган ҳолда бўлиши мумкин. Муаллифлик ҳақини бошқача тўлаш усуллари ҳам мавжуд, масалан, шеърнинг бир қатори учун, битта расм учун, битта мустақил мақола учун ва ҳ.зо. Муаллифлик ҳақи

бўйича яна бошқа усулни қўллаш мумкин. «Агар мақола ўқишли ва бош саҳифага жойлаштиришга арзийдиган бўлса, унда мукофот миқдори икки барабарга ошади». Агар бирор ҳолат сабабли мукофот пули тўланмаса, бу ҳақда шартномада кўрсатилиб ўтилиши лозим.

7. ОАВ ходимиға доимий муддатга эълон қилинган асарга нисбатан муаллифлик ҳуқуқининг бириктирилиши ҳақидаги ҳолат. «Мен ҳамма ОАВ ходимларига биров вақт кундалик ҳаётий ташвишларидан ҳоли бўлган вақтда, айрим асарларнинг икки, уч, беш йил ўтгандан сўнг қизиқиш уйғотиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўришни тавсия этган бўлардим. Бундай асарларга ўз долзарблилигини йўкотадиган «бир кунлик» асарлар кирмайди, балки узоқ муддатли ва кўп марта фойдаланиладиган асарлар мансубдир. Бундан шундай фикр пайдо бўлади: Нима учун ОАВ ходими бундай асарлардан давомий муаллифлик ҳуқуқини олмасин? Майли, у ҳозир бунинг учун қўшимча муаллифлик гонорарини тўласин, лекин эртага бошқа ОАВ материалдан фойдаланмоқчи бўлганда, улар бу материал биринчи бўлиб унинг газетасида босилганлигини кўрсатиб ўтишади ва шунинг билан бирга қайта нашрдан чиқаргани учун қўшимча ҳақ тўлашади. Фараз қилайлик, бир йилдан кейин мақолалар тўплами тайёрланса, ОАВ ходими бу тўплам учун ҳам гонорар олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, муаллифлик ҳуқуқи бозор иқтисоди шароитида ОАВ ходимининг асосий бойликларидан бири бўлиши мумкин. (Менинг фикримча, бўлиши шарт!)».

Шунингдек, Россия қонунчилигига кўра, алоҳида асарлар учун шартномалар тузилади. Бу шартномада ҳам умумий шартномадаги масалалар ечилиши керак бўлади, фақат ихчам ва қисқа шаклда. ОАВ ходими бу асарни 10 кун мобайнида кўриб чиқади ва асардан фойдаланиш ҳақидаги қарорини айтади. Асардан фойдаланиш муддати томонлар ўртасида келишилган ҳолда белгиланади. Муаллиф материални топширгандан сўнг унинг асари 3 ой муддат давомида асарини бошқа шахсларга (қайта ишланган шаклини ҳам) беришга ҳақли эмас. Агар асар томонлар ўртасида келишилган муддатда нашр этилмаса, унда муаллиф асарни бошқа ташкилотга беришга ҳаққи бор.

Шунингдек, ОАВ ходими асарни Интернет тармоғига жойлаштиришга ҳақлидир.

Қачон муаллифлик шартномаси тузилади? Бу саволга жавоб беришда қонунчилик фақат битта қоидага амал қилишни таъкидлайди, яъни шартнома асардан фойдаланилгунга қадар тузилиши лозим. Агар, асардан муаллифлик шартномасисиз фойдаланилган бўлса, унда муаллифлик ҳуқуқи бузилган бўлади ва ОАВ ходимининг «Таҳририятимизга келаётган материалларни қисқартириш ва хоҳласак, чоп эттириш ҳуқуқи ўзимизда» деган оқлашлари юридик томондан тўғри деб баҳоланмайди.

Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, одатда кўпчилик муаллифлар уларнинг асарлари чоп этилаётганлигидан ва улар машҳур бўлаётганлигидан ҳеч нарса талаб қилмай, аксинча миннатдорчилик билдиришади. Бундай шароитда ОАВ ходими муаллифлик шартномаси тузмагани ҳамда асардан фойдаланиш бўйича ҳеч қандай мажбурият олмагани маъқул.

Умуман олганда, муаллифлик ҳуқуқида асарлардан шартнома асосида фойдаланиш муаллифларнинг кейинги ҳуқуқларини босқичма – босқич амалга оширишларида асосий, ҳуқуқий механизмни яратувчи асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда муаллифлик шартномаси доирасидаги бундай муаммолар узоққа чўзилмаслигига умид билдирса бўлади. Чунки бугунги бозор иқтисодига ўтиш даврида кундан–кунга янги ОАВ пайдо бўлаяпти, бу ўз навбатида муаллифларга танлаш имкониятини бермоқда. Вақт ўтгани сайин муаллифларнинг ўзлари ҳуқуқий билимларини оширишга ҳаракат қилишади, чунки бу замон талабига айланиб боради, шу тариқа улар ўзларини ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқарувчилардек сеза бошлашади.

3-БОБ.ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1.Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро норма ва қоидаларнинг қўлланиши

XX-асрнинг олтмишинчи йилларига келиб ёзиб олинган асарларни саноат усулида кўпайтириб даромад олиш йўлига ўтган корхона ва шахслар ўзлари томонидан яратилган маҳсулотларни бозорда ҳимоя қилиш, уни қонунсиз ишлаб чиқариш ёки такрорлашнинг олдини олиш мақсадида ўз ҳуқуқларини халқаро доирада ҳимоя қилишни талаб эта бошлайдилар. Бу даврда муаллифлик ҳуқуқини халқаро доирада ҳимоя қилиш тизими яратилган эди. Яъни, “Фан, адабиёт ва санъат асарларини ҳимоя қилиш ҳақидаги Бернъ конвенцияси” (1886 йил), “Муаллифлик ҳуқуқига оид Бутунжаҳон Женева конвенцияси” (1952 йил) ва бошқа универсал шартномалар яратилган ва дунёнинг кўпгина етакчи мамлакатлари бу шартномаларнинг аъзолари эдилар. Аъзо мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган миллий қонунчилик тизими ҳам яратилди.

Муаллифлар томонидан яратилган асарларни ижрога қаратиш жараёнида, айниқса, бир мамлакатда яратилган асар бошқа мамлакатларда фойдаланилаётганда ёки бошқача усулда фойдаланилаётганда муаллифларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари юз бера бошлади. Шунинг учун ҳам муаллифлик ҳуқуқларини бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилишнинг халқаро тизимини яратиш вазифаси юзага келди¹.

Бундан ташқари, асарларни такрорлаётган ёки ижро қилаётган ёхуд техник усулда ёзиб олаётган шахслар - турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳам аниқлаш, унга ҳуқуқий мақом бериш, миллий қонунчиликларда уни мустаҳкамлаш лозим эди. Дунёдаги йирик

¹ Мўминов А.Р. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий масалалари. Юрид..фан.номзод..дисс. автореферати.- Т.: ЖИДУ, 2005. -24 б.

компаниялар мана шу масалани ҳал этиш учун халқаро доирада ижтимоий фикрни шакллантириб, турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро универсал шартномаларни яратиш ташаббуси билан майдонга чиқдилар.

1961 йил 26 октябрда Римда **“Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва эфир орқали узатувчи ташкилотлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақидаги конвенция”**си қабул қилинди ва у 1964 йил 26 октябрдан кучга киритилди¹.

Рим конвенциясининг асосий мақсади - овоз ёзувчилар ва ижрочи-артистлар ҳамда эфир орқали маҳсулотларини узатувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Конвенция ижрочилар томонидан асарлар ижро этилаётганда, фонограмма (ҳар қандай товушнинг акустик ёзиб олинishi) ишлаб чиқарувчиларнинг фонограммаларидан фойдаланилаётганда, кўрсатув ва эшиттириш берувчи ташкилотларининг дастурлари эфирга узатилаётганда уларни ҳимоя қилишни таъминлайди. Конвенция нормаларига кўра турдош ҳуқуқларнинг барча субъектлари ҳуқуқлари ҳар қандай рухсатсиз ҳаракатлардан ҳимоя қилинади.

Рухсатсиз ҳаракатлар деганда - дастурларни трансляция ёки ретрансляция (такроран узатиш) қилиш, трансляцияларни такрор ишлаб чиқариш мақсадида ёзиб олиш ва шунга ўхшаган ҳаракатлар тушунилади. Бундай ҳаракатлар амалга оширилганда ҳуқуқбузарлар ҳам муаллифларнинг, ҳам турдош ҳуқуқлар субъектларининг тегишли ҳуқуқларини бузадилар.

Қисқа қилиб айтганда, асарлардан такроран фойдаланиш, ёзиб олиш, узатиш, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланувчилар билан турдош ҳуқуқлар субъектлари ўртасида келиб чиқадиган муносабатлар конвенция нормалари орқали тартибга солинади.

Конвенцияда асосан қуйидаги:

- фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

¹ «Конвенция об охране прав исполнителей, производителей фонограмм и вещательных организаций» (Рим, 1961). –Женева.:ВОИС, 2000.

- ижрочилар, артистлар ва бошқа жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- эфир орқали дастурларини тарқатувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган йўналишларда ҳимоя таъминланади.

Конвенцияга кўра турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш камида 20 йил бўлиши белгилаб қўйилган. Республикамизда турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилиши туфайли ҳимоя муддатлари қонунчилигимизда 50 йил деб ўрнатилди¹.

Муаллифлар ҳуқуқлари улар вафот этгандан сўнг 50 йил эканлиги ҳисобга олиниб, ҳар иккала гуруҳдаги субъектларга иложи борица бир хил ҳимоя муддатининг белгиланганлиги адолатли ҳимоя тизимининг яратилишига хизмат қилади. Халқаро шартномаларнинг талаблари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топиши бу, албатта, амалдаги қонунчиликни халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш ва уни такомиллаштиришни тақозо этади.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг тўртинчи қисми бевосита интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга бағишланган. Фуқаролик кодексининг бир қатор моддалари турдош ҳуқуқлар соҳасида келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишга бағишланганлигини ҳисобга олсак, кодексдаги чалкашликларни бартараф этиш долзарб бўлиб қолаверади. Масалан, кодексдаги “ҳар қандай ижронинг ёзиб олинishi” деганда фақатгина шахслар томонидан асарлар ижро этилганда уни ёзиб олиш тушунилади. Конвенциядаги “фонограмма” тушунчаси эса, у “ҳар қандай товуш (табiiй товушлар, табиат ҳодисалари, ижродан ташқаридаги стихияли товуш)”нинг шахслар томонидан режали ёки мақсадли ёзиб олинishi англанади.

Шундай экан, кодексдаги ва амалдаги соҳа қонунчилигидаги бундай англашилмовчиликни бартараф этиш, уни халқаро шартнома талабларига

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат, 1996. –Б.474-493.

мослаштириш лозим. Чунки, республикамиз келгусида юқоридаги конвенцияга аъзо бўлганда, бошқа мамлакатлар турдош ҳуқуқлар субъектларининг манфаатларини ҳам ўз ҳудудида таъминлаши, яъни конвенциядаги “миллий тартиб” принципига тўлиқ амал қилиши ва бу ҳақида вақти-вақти билан аъзо давлатларга ҳисоб бериб туриши асосий мажбуриятлардан бири ҳисобланади. Турдош ҳуқуқларни халқаро доирада ҳимоя қилиш тизиминининг яратилишида Рим конвенцияси таъсирчан “халқаро ҳуқуқий восита” бўлиб хизмат қилади.

Рим конвенциясидан сўнг турдош ҳуқуқлар субъектларининг ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни кенгайтириш мақсадида 1971 йилда Женевада **“Фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини уларнинг фонограммаларини қонунсиз ишлаб чиқаришдан ҳимоя қилиш ҳақида”**ги конвенция, 1974 йилда Брюсселда **“Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида»**ги конвенция, 1996 йилда Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг **“Ижролар ва фонограммалар бўйича Шартномаси”** қабул қилинди.

Турдош ҳуқуқларни халқаро ҳимоя қилишда юқоридаги универсал шартномалар ҳақиқий ҳуқуқий асос ҳисобланади. Миллий қонунчиликда халқаро ҳуқуқий нормалардан кенгроқ фойдаланиш ички ҳимоя тизими (турдош ҳуқуқлар субъектларининг мулкӣ ҳуқуқларини жамоа бўлиб бошқарувчи ташкилотларни тузиш ва бошқалар)ни шакллантиришда амалий кўмак бўлиши ҳам мумкин. Субъектларнинг мулкӣ ҳуқуқларини таъминлашда “устувор принцип” сифатида халқаро ҳуқуқнинг принциплари қўлланилади¹. Шунга кўра халқаро тажрибаларни ўрганиш ва хулоса чиқариш, миллий ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиш, амалда ишлайдиган янги тизимни яратишнинг стратегик йўналишлари ва назарий асосларини белгилаб олишда ёрдам бериши мумкин.

¹ Окюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2003.-Б.192.

Рим конвенциясининг 15-моддасига кўра ҳар қандай давлат ички конунчилиги билан қуйидаги чеклашларни (асардан эркин фойдаланишни) жорий этиши мумкин. Жумладан, асардан шахсий мақсадларда, кундалик воқеаларни шарҳлашда парчалар ишлатишда, ўз техника воситалари орқали ўзларининг дастурларини тайёрлашда қисқа муддатга овоз ёзувларидан фойдаланиш ва илмий изланишлар олиб бориш мақсадларида фойдаланишлари мумкин¹. БИМТ, ЮНЕСКО, Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти ушбу конвенциянинг маъмурий вазифасини бажаришда масъул ҳисобланади.

Фонограмма ишлаб чиқарувчилари, ижрочилар ҳуқуқларини, ривожланиб бораётган маданий индустрия талабларидан келиб чиқиб, янада кенгроқ ҳимоя қилиш масаласига ўтган асрнинг 90-йилларидан 1996 йили БИМТ томонидан бу соҳага оид алоҳида шартнома қабул қилинди.

БИМТ Шартномаси ратификация қилинган ёки унга қўшилиш ҳақида ҳужжатлар 30 давлатда сақлаш учун юборилган кундан бошлаб кучга кирди. Бу ҳужжатлар сақлаш учун Шартнома Депозитарийси ҳисобланган БИМТ бош директорига топширилади. Шартнома қуйидаги ҳимоя қилинадиган икки тоифадаги гуруҳга нисбатан тадбиқ этилади:

- а) ижрочилар (актёрлар, кўшиқчилар, бастакорлар ва бошқалар);
- б) фонограмма ишлаб чиқарувчилар (ижро ёзувларни ёзиб олишни ва жавобгарликни ўз зиммасиги олган жисмоний ёки юридик шахслар).

БИМТ Шартномаси кинофильмларга ўхшаш аудиовизуал ёзувлардан ташқари, ижрочиларнинг фонограмма ёзилган ижролари учун қуйидаги тўрт турдаги:

- қайта ишлаб чиқариш ҳуқуқи;
- тарқатиш ҳуқуқи;
- ижарага бериш ҳуқуқи;
- ёзилган ижорни маълум қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди. Ушбу ҳуқуқлар алоҳида ҳуқуқлар тури сифатида, қисман чеклашлар билан фақат ижрочиларга тегишлидир.

¹ Международные Конвенции об авторском праве. Комментарий. -Москва.: Прогресс, 1982. –С.111-112.

Қайта ишлаб чиқариш (такрорлаш) ҳуқуқи деганда, фонограммани ҳар қандай шакл ва усулда ишлаб чиқаришга рухсат бериш ҳуқуқи тушинилади.

Тарқатиш ҳуқуқи эса, асар (фонограмма) асли ёки нусхасини сотиш йўли билан ёки мулк эгасининг ҳуқуқини бошқага ўтказишга ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқини бошқага ўтказишга рухсат беришдир.

Ижара бериш ҳуқуқи деганда, асар (фонограмма)нинг асли ва нусхасини, миллий қонунчиликда белгиланидек, тижорат мақсадларида омма учун ижарага чиқаришга рухсат бериш ҳуқуқи тушунилади. Ёзилган ижрони маълум қилиш ҳуқуқи ижрочи ёки ҳуқуқ эгасининг фонограммани ҳаммага маълум қилиш учун кабел орқали ёки кабелсиз алоқа орқали (эфир, тўлқин ва бошқалар) етказишини назарда тутди. Бунда омма ҳар қандай жойда, ҳар қандай вақтда, ўз хоҳишига кўра, фонограммани тинглаш имкониятига эга бўлади. Бу турдаги етказишлар “Интернет” тизимида ҳам дахлдор.

Ижрочилар ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларининг бошқа ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида шартномада қатнашаётган аъзо давлатлар “миллий тартиб” принциpidан келиб чиқиб, ўз ҳудудларида ўзларининг ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларига қандай ҳуқуқий кафолат беришса, бошқа давлатларнинг ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчиларини ҳам шундай ҳуқуқий ҳимоя билан таъминлашлари шарт. Шунингдек, шартномада қатнашувчи давлатлар барча ҳуқуқий ҳимоя воситаларини яратиб, ҳуқуқларни амалга оширишда “мулкӣ ҳуқуқларни бошқариш” (лицензия бериш, тегишли ҳақларни йиғиш ва тақсимлаш)ни ҳам йўлга қўйишлари лозим.

Шартномада белгиланган нормаларнинг миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топиши, ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳуқуқ эгалари мафаатларининг ҳар томонлама ҳимоя қилиниши республикаимиз аъзо бўлган халқаро шартномаларнинг бажарилишида кенг имконият яратади. Бу шартнома 1996

йил 20 декабрь куни Женевада БИМТ Дипломатик конференциясида қабул қилинган.

Шартнома интеллектуал мулк ҳуқуқидаги қуйидаги ҳимоя қилинадиган икки гуруҳга тадбиқ этилади:

а) ижрочилар (актёрлар, кўшиқчилар, дирежёрлар ва бошқалар);

б) фонограмма ишлаб чиқарувчилари (ёзиб олишни ва жавобгарликни ўз зиммасига олган жисмоний ва юридик шахслар). Шунингдек, шартнома ижрочи ва фонограмма ишлаб чиқарувчилари уларнинг фонограммаларидан тижорат мақсадларида ҳамда эфир орқали узатиш ва кабелли етказишларда ўз вақтида одилона ҳақ олиш ҳуқуқидан фойдаланишни ҳам белгилайди. Шартномага кўра ҳимоя ҳуқуқи камида 50 йил қилиб белгиланган.

Шартномада қатнашувчи давлатлар ҳуқуқий ҳимоя воситаларини яратиб, мулкӣ ҳуқуқларни бошқариш, лицензия бериш, муаллифлик ва ижрочилик ҳақларини йиғиш ва тақсимлашни йўлга қўйишлари ҳам лозим. Мулкӣ ҳуқуқларни бошқариш билан шуғулланувчи ташкилотлар вазифалари ва принциплари шартномага мувофиқ тузилиши лозим¹. Шартномада бу принциплар алоҳида кўрсатилган.

Турдош ҳуқуқларга оид халқаро конвенциялар турига кўпчилик олимлар бевосита қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган шахсларни субъект сифатида тан олишни таклиф этадилар. Бизнингча, турдош ҳуқуқлар субъектлари бўлмиш-оммавий ахборот воситалари, радиостудия, кабелли оммавий ахборот воситалари ва бошқалар ўз маҳсулотларини Ернинг сунъий йўлдошлари орқали узатадилар. Ана шу узатиш маълум ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда мажбуриятларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам 1974 йилги “Ернинг сунъий йўлдоши орқали узатиладиган дастурларни ташувчи сигналларни тарқатиш тўғрисида»ги Брюсель конвенциясини турдош ҳуқуқлар субъектларини ўрганиш тамойилларига асосланиб кўриб чиқиш мумкин.

¹ Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. Учебное пособие. –М.:”Юрист”. 1997 г. С.150

Брюссель конвенцияси¹ 1974 йил 21 майда қабул қилинган. Ушбу конвенция дастур сигналлари йўлдош орқали тарқатувчи орган ҳисобланмаган органлар орқали тарқалишининг олдини олиш борасида бутунжаҳон тизимининг мавжуд эмаслиги ва бу камчилик йўлдошлар ёрдамидаги алоқалардан фойдаланишда тўсиқ бўлишидан ташвишланиб, муаллифлар, артист-ижрочилар, фонограмма яратувчилари ва эшиттириш берувчи ташкилотларнинг манфаатлари муҳимлигини назарда тутиб, тегишли тарқатиш органлари учун мўлжалланмаган йўлдошлар орқали берилаётган дастурларни ташувчи сигналларнинг шу тарқатиш органлари томонидан тарқатилишини бартараф этиш чораларини таъминлаб берувчи халқаро тизим яратилиши шартлигини ҳисобга олган ҳолда дунёга келган. Конвенция 12 моддадан иборат. Конвенцияда бевосита “сигнал”, “дастур”, “йўлдош”, “тарқалувчи сигнал”, “тарқатувчи орган” ва бошқа муҳим терминларга ҳуқуқий тушунча ҳам берилган. Конвенциянинг асосий мақсади - унга аъзо бўлган ҳар бир давлатга “ўзининг ҳудудида ва ўзининг ҳудудидан кўзда тутилмаган йўлдошга узатилган ёки ундан ўтаётган сигналнинг дастурларни ташувчи сигналларни исталган тарқатувчи орган томонидан тарқатилишини бартараф этиш борасида чора-тадбирлар кўриш мажбурияти”ни юклайди.² Бу қоида бевосита бир давлатнинг ҳудуди устидан иккинчи давлатга шу дастурларни қабул қилиш учун мўлжалланган станцияларига сигналларни узатишда ўзбошимчаликка йўл қўймасликни англатади. Т.Д.Матвеева бундай турдаги халқаро актларни таҳлил этар экан, бу халқаро актлар Россия ҳуқуқ тизимида ҳам ўз аксини топиб бораётгани, улар халқаро-ҳуқуқий доктринани намоёни этиши билан ажралиб туради, деб ҳисоблайди.³ Умуман олганда, миллий қонунчилик халқаро нормалар асосида такомиллаштириши учун халқаро шартномаларнинг ўрни муҳимдир.

¹ ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. (Тўплам). Конвенциялар. Битимлар. Протоколлар. Тасияномалар. Декларациялар. -Т.: Адолат, 2004. –Б.284-288.

² Конвенция о распространении несущих программы сигналов, передаваемых через спутники. ВОИС, Женева, 1974 г.

³ Матвеева Т.Д. Международное право: курс лекций.-Москва.: РАГС, 2006.-С.137.

3.2. Оммавий ахборот воситалари махсулотларидан қонунсиз фойдаланиш ва интеллектуал мулкка «тахдид» - қароқчиликка қарши кураш йўллари

Мустақиллик йилларида республикамызда муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза ва ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасига, амалда муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги кўлланадиган идоралар фаолиятига дахлдор, асарлар яратиш ва уни турли кўринишда тарқатиш билан шуғулланиб келаётган субъектлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб- қувватлашга йўналтирилган катор қонунлар қабул қилинган. Шундай бўлса-да, республикамызда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясини янада кенгайтиришга ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда муаллиф мулки (асар)га ҳужум-“қароқчилик” қуйидаги ҳолларда намоён бўлмоқда:

Мамлакатимиз ҳудудидаги ҳолат:

- муаллиф розилигисиз асарини эълон қилиш;
- муаллиф розилигисиз асарини қайта эълон қилиш;
- ёзма ОАВда чоп этилган асарни аудиовизуал ОАВга кўчириб олиш ва ўз номидан эълон қилиш;
- ёзма нашрда эълон қилинган асарни ўғирлаб, бошқа ёзма нашрда ўз номидан эълон қилиш;
- ҳар қайси ҳолатда ҳам жабрланувчи муаллифга қалам ҳақи берилмаслиги ҳамда кўп ҳолларда жабрланувчининг ҳам ўз муаллифлик ҳуқуқини талаб қила олмаслиги ёки бундай ҳуқуққа эга эканлигини ҳатто билмаслиги;
- *хорижлик муаллифлар мулкига «ҳужум»*. Хорижда ишлаб чиқарилган фильмлар ёки клипларни турли йўллار билан ўғирлаб, сифатсиз кўчириб олинган бўлса-да, оммавий ахборот воситалари орқали катта даромад кўрилаяётганлиги;

- давлатга қарашли бўлган телеканаллар орқали хорижий фильм ва клипларнинг муаллифларидан рухсатсиз кўчириб олиниб, дубляжда қайта ишлаб, монтажда ўзгартиришлар киритилган ҳолда ўзбекча вариантынинг эълон қилинаётганлиги;

- хорижий хонандалар кўшиқларининг ўғирланиши ёки фақат мусикаларинигина ўғирланаётганлиги;

- ўғирлик орқасидан яратилган асарлар жамланмасидан сохта юлдузларнинг сохта мусиқий альбомлари вужудга келаётганлиги, уларнинг ҳақиқий овозга эга бўлмаганлиги учун «фонограммадан фойдаланилади»дан фойдаланаётганлиги, бу билан томошабинларимизнинг қайсидир маънода ҳурмат қилинмаётганлиги, бу борада уларга журналистларимиз ёрдам бераётганлиги;

- радио, оммавий ахборот воситаларида баландпарвоз таърифлар билан ўғирланган кўшиқ ёки мусиқа асосида яратилган бу кўшиққа навбат берилиши, газета ва журналларда бундай кўшиқчиларнинг «қароқчилик фаолияти» ҳақида катта ҳажмдаги мақолалар ёзилади, «кўрсатган кароматлари» учун бутун бир саҳифалар ажратилади. Афсуски, ўша мақолаларда ўғирланган интеллектуал мулк тўғрисида умуман гапирилмайди. Бу журналистларимизнинг бу ҳақдаги билимлари йўқлиги ёки саёзлиги билан ҳам боғлиқ;

асар муаллифларининг розилигисиз ёки ўзаро тузилган шартномани бузган ҳолда нашриётлар томонидан асар тиражининг ошириб юборилиши ҳамда бу орқали тушаётган даромадни муаллифга берилмаслиги.

Лондондаги Граммофон маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар Халқаро Федерацияси тадқиқотларига мурожаат қиладиган бўлсак, ҳозирда Россия ва МДХ давлатлари интеллектуал мулк, хусусан, мусиқий ёзувларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланиш бўйича дунё лидерлари ҳисобланар экан. Бу ташкилот тадқиқотига кўра, 1999 йилда Россиянинг ўзидаёқ 335 млн. доллардан ортиқ миқдордаги 215 млн. дона мусиқий ёзувлар сотилган. Дунё бўйича эса мусиқий ёзувларни рухсатсиз ўтказиш 2,5 млрд. миқдордан

ҳам ошиб кетди. Бундан ташқари Россия, шунингдек, МДХ давлатларида ҳисоблаш техникаларига мўлжалланган дастурларни лицензиясиз ёзиб олиш ва ноқонуний сотиш ҳам авж олган. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда бу минтакаларда арзимас миқдордаги пулга «Microsoft», «Symantec» ва дунёдаги бошқа машҳур фирмалар дастурларининг «ўғирланган» нусхаларини сотиб олиш ва яна арзимас пулга сотиб юбориш мумкин. Ваҳоланки, Францияда «Microsoft – Office 7.0»нинг бир пакети 140 АҚШ доллари туради. агар ҳисоблайдиган бўлсак, Россия, Хитой, МДХ давлатлари ишлаб чиқарувчилари – «қароқчилар» туфайли интеллектуал мулк эгаси неча – неча миллиард долларларни йўқотиши мумкинлигини англаб олиш қийин эмас.¹

Агар, мамлакатимизда бу борадаги қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштирилганда ва интеллектуал мулкдан фойдаланишнинг мустаҳкам қонуний асослари яратилганда эди, ноқонуний йўллар билан кетаётган анча миқдордаги маблағ давлатимиз бюджетига келиб тушган бўлар эди, чунки кўпгина ривожланган мамлакатларда айнан интеллектуал мулк объектлари катта даромад манбаига айланган. Хорижлик муаллифлар мулкларининг топталишига чек қўйиш, ўз навбатида ўз муаллифларимиз ҳуқуқларини ҳам халқаро миқёсда ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлардик. Балки шундан кейин давлатимиз дунё майдонида «қароқчи» деган тамға билан эмас, балки «қўриқчи» деган ном билан эътироф этилган бўлар эди?

Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу айнан ОАВда муаллифлик ҳуқуқи бузилаётганлиги ҳақида яна ўша ОАВда етарлича, кенг миқёсда ёритилмаётганлиги билан белгиланади. Эълон қилинаётган материалларнинг асосий қисми ҳуқуқшуносларга тегишли бўлиб, илмий йўналишдаги матбуотда чоп этилган назарий маълумотлардан иборат. Демак, ОАВда

¹Шакур Н. Бесплатный сир закончился, пиратство дорогое удовольствие // Компания - деловое еженедельник, 2001, 2 июля, №171. www.ko.ru/document.aspdl).

интеллектуал мулк ҳимоясини таъминланиши учун журналистларимиз ҳам ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари лозим.

Бугунги кунда, айниқса, аудио ва видео бозоридаги қароқчиликни бартараф этиш бутун дунёдаги глобал масала бўлиб турибди. Ўзбекистонда хорижлик муаллифларнинг ҳуқуқлари ҳам етарли даражада бузилмоқда. Бу борада мамлакатимиздаги сохта муаллифлар қароқчилик фаолиятининг тараққий этишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда, десак муболаға бўлмайди, бу биров кулгули, лекин аччиқ ҳақиқатдир. «Жаҳоннинг шоу–бизнес бозорида битта кушиқнинг муаллифлик ҳуқуқини бир неча минг долларга сотиб олишади. Масалан, россиялик ижрочи Филипп Киркоров «Вива ла Дива» қўшиғи учун исроиллик бастакор Цвик Пиккага нақ \$ 15 000 тўлаган эди. агар битта кўчирилган қўшиқ камида \$ 1000 бўлса, ўзбек миллий эстрадасидаги 90 фоиз қўшиқлар учун тўланадиган маблағ шоу бизнесда «иждод» қилаётган юртдошларимизга қанчага тушишини ўзингиз ҳисоблайверинг»¹.

Қонуннинг бундай бузилиш тури ўз хусусиятига кўра, фақат шу давлатга тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқи доирасига киради ҳамда судда бундай ишлар кўрилатганда нафақат давлатнинг ички қонунлари, балки халқаро ҳуқуқий нормаларга ҳам асосланиши лозимлиги бугунги куннинг талабидир. Бироқ, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши юзасидан судлашиш ҳоллари жуда кам учрайди. Бу аввало, интеллектуал мулк эгаларининг ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги билан белгиланса, иккинчи томондан суд амалиётида бундай ишлар кам кўрилганлиги сабабли ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг ҳам тажрибасизлиги туфайлидир².

Дунёнинг жуда кўплаб ривожланган давлатларидаги полиция, прокуратура органларида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масалалари

¹ Полтаева Ф. Ошкора қароқчилик қиссаси ёки муаллифлик ҳуқуқи ҳақида. -Ёш куч журнали, 2003, №3.–Б.2

² Қаримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т.:Ўзбекистон, 1996. –Б.34.

билан шуғулланадиган махсус бўлимлар мавжуд. Албатта бундай бўлимлар бекорга ташкил этилмаган, унинг орқасида давлат хазинасига тушадиган катта миқдордаги даромад, маблағ ётибди.

Фикримизча, бизнинг давлатимизда ҳам муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунбузарликларга барҳам бериш ҳамда қароқчиларга солинадиган солиқлардан тушадиган жуда катта миқдордаги маблағни давлат бюджетига тушириш вақти келди. Айнан ҳолис ифодаланган интеллектуал фаолият натижаси иқтисодий айланмада иштирок этиши, маҳсулотга айланиши, бозорда ўз ўрнига эга бўлиши мумкин. Бунга қачон эришилади, қачонки бундай объект давлат, жамият, қонун томонидан ҳимояланса. Ижодкорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ўз навбатида инсон шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бироқ муаллифлик ҳуқуқига икки томонлама қараш керак, у нафақат маънавий-маданий, балки иқтисодий омил ҳамдир. Муаллифлик ҳуқуқи объектларининг ҳаётдаги муҳимлик даражаси патент ҳуқуқи объектларидан қолишмайди. Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда интеллектуал мулкнинг барча турлари савдосини қонуний йўлга қуйиш, яъни муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш туфайли (патент ёки товар белгиси туфайли эмас) дунё гегемони - АҚШдек давлат жуда катта даромад кўрар экан. Америкада интеллектуал маҳсулотлар—дастурий таъминот, кинематография, ёзма ва электрон ОАВ, видео, аудио, овоз ёзиш, нашриёт ва бошқалардан келадиган даромад давлат иқтисодининг 5%ини ташкил этади ва мамлакат бўйича тахминан 5% иш ўрнини банд қилади. Энди ўзингиз иқтисодий-сиёсий жиҳатдан дунё гегемонларидан бири бўлган бу «сеҳрли диёр»да фақатгина муаллифлик ҳуқуқининг ҳимояси натижасида топиладиган ўша «5%гина» маблағнинг қанчалик қийматга эга эканлигини тасаввур қилаверинг.

Англиялик машҳур режиссёр Стенли Кубрик ўлими олдидан ўзининг «Катта юмилган кўзлар билан» бадиий фильми қайси давлатда кўрсатилмасин, фақат субтитр таржима билан намойиш этилиши

лозимлигини васият қилган экан. Ҳозирги кунга қадар Стенли Кубрикнинг муаллифлик ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилинмоқда». Демак, Англияда ҳатто марҳум ижодкорлар интеллектуал маҳсулотларидан фойдаланувчиларга нисбатан ўз ҳуқуқларини сақлаб қолишаяпти. Ўз навбатида фойдаланувчилар ҳам уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда жамиятнинг маданиятли бўлишига шу жамиятнинг аъзоси сифатида ўз ҳиссасини қўшишмоқда. Бунинг энг асосий сабаби бу давлатда қонунчиликнинг мустаҳкам эканлиги, халқаро нормаларга асосланганлиги ва шу тариқа мамлакат фуқаролари ҳам қонунга итоат этишларидир.

Юқорида кўрсатилган муаммоларнинг ечими топилса, республикаимизнинг муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мужбуриятлари, хусусан ТРИПСнинг бажарилиши таъминланади. З.Акрамходжаева ҳам Ўзбекистон Умуҷаҳон савдо ташкилотига кириш учун ТРИПС Битими талабларига ўз қонунларини мослаштириши керак. Мазкур Битим негизида мутлақ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллариини такомиллаштириш ва самарли механизм яратиш ғоялари ётади, ҳисоблайди¹.

Бугун кўтарилган муаммонинг қанчалик долзарблигини ва уни бартараф этиш мамлакатимизнинг бугунги куни, келажаги учун жуда муҳимлигини тушуниб етишимиз керак. Бизнингча, муаммонинг ечими фақатгина давлатимизнинг Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши билангина боғлиқ эмас, балки муаллифлар ҳам ўз ҳуқуқларини ҳақиқий эгаси бўла олиши учун ҳаракат қилишимиз керак.

¹ Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик- ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари.Юрид..фан.номзод..диссер...авторефати.-Т.: ТДЮИ., 2008. –Б.15

3.3. Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари ва муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилигини ривожлантириш йўллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатнинг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилинган қоида ва хулосалардан келиб чиқиб ҳамда республикаимиз аҳолисини мамлакат ижтимоий ҳаётини янада демократлаштириш ва либераллаштириш шароитларидаги ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш мақсадларида 2007 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПП 24-сонли Қарори билан тасдиқланган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш Дастурини амалга ошириш мақсадларида 2007 йил 15 январда Ўзбекистон Республикасининг ”Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирда эълон қилинди. Бугунги кунда мазкур қонун амалда қўлланишига кўра ўзининг илмий-амалий аҳамиятига эга бўлиб бормоқда. Шундай бўлса-да, янги қонунда халқаро ҳуқуқ нормалари ва бошқа давлат қонунчилигида учрамайдиган айрим нормалар ҳам борки, бу нормаларни қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуд.

Масалан, Қонуннинг 2-моддасида унинг қўлланиш соҳаси ҳақида гап боради ва ушбу қонун “чет давлатлар оммавий ахборот воситаларига улар маҳсулотининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилишига тааллуқли қисмига нисбатан татбиқ этилади” деб чегаралаб қўйилган. Айни вақтда Қонуннинг 31-моддасида “чет давлатлар оммавий ахборот воситалари маҳсулотини тарқатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибга.....” мувофиқ амалга оширилади дейилган. Қонуннинг 2-моддаси унинг қўлланиш соҳасига бағишланган бўлса-да, лекин

бу норма 31-модда билан қонун доирасидан четга чиқиб, ҳукумат ваколатига ўтказилгани белгиланган. Бу иккала норма бир-бирига қарама-қаршидир.

Қонуннинг 4-моддасида “..умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар” ҳам оммавий ахборот воситалари жумласига киритилган. Маълумки, халқаро амалиётда Интернет тармоғи ва унга жойлаштирилган веб-сайтлар оммавий ахборот воситалари деб тан олинмайди. Қонуннинг айнан шу 4-моддасида “оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган...” деб қатъий норма белгиланган бўлса-да, лекин веб-сайтлар бундай талабга жавоб бермаслиги аниқ бўлгани ҳолда, уларни оммавий ахборот воситалари турига киритиб қўйилган.

Бу норма қонун мазмуни ва у қўйган талаблар нуктаи-назаридан унчалик тўғри эмаслиги кўриниб турибди. Яъни, Қонуннинг 2-боб 8-18-моддалари талабларини веб-сайтларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Веб-сайтлар давлат органлари, жамоат ташкилотлари, жисмоний шахслар, чел элликлар томонидан бемалол очилиши ва уларга турли мазмундаги ахборотлар жойлаштирилиши мумкин. 8-18-моддаларда оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш, таҳририятлар ва бошқа ташкилий тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ нормалар белгиланган. Веб-сайтлар муқим номга эга бўлмаслиги ва у доимо йўналишини ўзгартириб туриши ҳам мумкин.

Маълумки, Интернет тармоғи у турли шаклдаги оммавий ахборотларни веб-сайт ва бошқа шаклдаги воситалар орқали бутун дунёга тарқатишга қаратилган. Шунингдек, веб-сайтларга нисбатан оммавий ахборот воситалари учун белгиланган жавобгарликни қўллашнинг иложи бўлмайди. Веб-сайтларнинг ҳақиқий эгаларини аниқлаш ёки улар билан қонуний муносабатларга киришишнинг ҳам имкони йўқ. Амалиётда ОАВ (газета, журнал, теле,радио ва бошқалар) ўзлари томонидан эълон қилинаётган ёки чиқарилаётган ахборот ва дастурларни ўзлари томонидан яратилган веб-сайтларга жойлаштириши мумкин. Бу веб-сайтлар доимо янгиланиб бориши ҳам мумкин. ОАВ томонидан бирон марта эълон

килинган ахборотларни қайтадан янгилаб, эълон қилишнинг имконияти йўқ. Шу жихатдан веб-сайтни ОАВ деб бўлмайди.

Қонуннинг 7-моддасида цензурага йўл қўйилмаслиги белгиланган. Бу норма формал ҳисобланади ва бу нормада белгиланган қоида бошқа қонунлар, хусусан муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликда қатъий белгилаб қўйилган. 2005 йилнинг 19 апрелидан республикада “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Берн конвенцияси қоидалари амал қила бошлади. Бугунги кунда дунёнинг 160 дан ортиқ мамлакати ушбу конвенциянинг аъзоси ҳисобланади. Мазкур конвенция фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган универсал халқаро шартномалардан бири ҳисобланади. Конвенция қоидалари оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади.

Фуқаролик кодекси ва бир қатор қонунларда шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқлар доираси, шаън ва қадр-қиммат тушунчаси, тижорат сирлари ва бошқаларга аниқ таърифлар берилган. Фуқаролик кодексининг 97, 100, 1095-1097-моддаларида конфедициал ахборотлар, тижорат сири, инчанлик обрўси ёки шахсий сирларга путур етказувчи ахборотларни тарқатишда маълум чекланишлар мавжуд. Бундай ахборотлар фақат шу ахборотга ва унга тенглаштирилган манбаларга ҳуқуқи бўлганларнинг рухсати билангина эълон қилиниши мумкин.

Юқоридагилар билан бирга, ОАВ олдида муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш масалаларига эътибор бериш муаммолигича қолмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникациялар, айниқса, халқаро Интернет тизимининг хизматидан бугун ҳар ким, хусусан, ОАВ бемалол фойдаланиши, улардаги манбалар (ахборотлар)дан керакли маълумотларни олишлари ва тарқатишлари мумкин. Ана шу ўринда ОАВ қонун билан қўриқланадиган ахборотлар-фан, адабиёт, санъат асарларидан фойдаланадилар. Бу турдаги асарлардан қандай ҳажмда олинишидан қатъий назар ОАВ ёки журналист

ҳуқуқ эгаси (муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси)нинг розилиги билангина улардан фойдаланишлари мумкин.

Қонунчиликка асосан муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотлар, мақолалар, бадиий ва санъат, фотография асарлари, интервьюлар ва бошқа асарлар ҳимояга олинган. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликда муаллифларга ҳақ тўламай ва уларнинг розилигисиз асарларидан қисқа ахборотлар тайёрлаш, фавқулодда ҳолатлар ва бошқа ҳолларда фойдаланишга йўл қўйилади. Бу қоида асосан жамиятни тезкор ва муҳим ахборотлар билан таъминлаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақида фуқароларни хабардор қилиш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

ОАВ воситалари олдидаги асосий муаммолардан бири-бу муаллиф (ҳуқуқ эгаси) билан шартнома тузишни ташкил этишдир. Қонунчиликка кўра ОАВ таҳририяти ҳар қандай шахснинг биринчи марта асари (интервьюси)ни эълон қилаётган пайтда шу шахс билан муаллифлик шартномаси тузиши керак. Шартнома фақат ёзма равишда тузилади ва амал қилишининг аниқ муддати кўрсатилади ёки шартнома муддатсиз тузилади. Узоқда яшаётган муаллиф ёки суҳбатдош билан шартнома унинг нусхасини уларга юбориш ёки уларни шахсан таҳририятга таклиф этиш орқали расмийлаштирилиши мумкин.

Бугунги кунда республикаимиз ОАВ таҳририятлари томонидан халқаро Интернет тармоғидан ахборотлар олиб, уларни даврий нашрлар саҳифаларида эълон қилиш одатга айланиб бормоқда. Бу эса ОАВнинг асосий вазифаларидан чалғишига олиб келади ва улар ўз олдига қўйган йўналишларни тўла бажаришига салбий таъсир ҳам кўрсатади. Айниқса, бу ҳолат ОАВ ўз обуначилари олдидаги сифатли ва улар хоҳлаган ахборотларни тарқатиш орқали ўз мажбуриятларининг бажармаслигига ҳам сабаб бўлади. Энг муҳими ОАВ хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз улар асарларидан рухсатсиз фойдаланишлари уларнинг ҳақли норозилигига олиб келади.

Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-436 қарорида белгиланган устивор йўналишларни амалда таъминлаш учун ҳам янги нормалар ва тамойиллар қонунчиликда ўз аксини топиши муҳим.

Умуман олганда, ОАВ ва журналистлар томонидан муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, асарлар дахлсизлигини таъминлаш, ўзгалар асаридан фақат тегишли рухсат асосида фойдаланиш, асарлардан фойдаланганда тегишли муаллифлик ҳақи тўлаш, саҳифаларини иложи борича ўз материаллари билан тўлдириш асосий вазифа бўлиб қолиши керак ва бу муносабатлар ОАВ ҳақидаги соҳавий қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ кўринади.

Қонуннинг 31-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет давлатлар ОАВ маҳсулотани тарқатиш”га оид қоида белгиланган. Айни вақтда хорижий ОАВ маҳсулотларини тарқатишга қатъий талаблар ўрнатилган бўлсада, лекин хорижий ОАВсини Ўзбекистондан рўйхатдан ўтказиш тартиби қонунда белгиланмаган. Ушбу моддада хорижий ОАВни республикада рўйхатга олиш тартиблари ҳам ўрнатилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари 2008 йил 10 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим турдаги асарлардан фойдаланилганда тўланадиган минимал муаллифлик ҳақи ставкалари тўғрисида”ги қарорида қуйидаги ноаниқлар мавжуд:

- қарор билан тасдиқланган 1-иловининг “2, 3, 4-бандлари”нинг 26-29-пунктларида кўзда тутилган тўлов кимларга ёки қайси ташкилотларга тўланиши аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳолат аниқлаштирилмаса муаллифлар (месосхўрлар ёки бошқа ҳуқуқ эгалари) билан ёки ташкилотлар ўртасида муаллифлик (ижрочилик) ҳақларини ҳисоблаш ёки тўлашда

тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин, шу сабабли бу ноаниқлик бартараф этилиши лозим;

- қарорнинг 2-Иловасида кўрсатилган Низомнинг номидаги “произведений в звуковой записи” сўзларини “фонограмм” ва “экземпляров звукозаписей” сўзларини “экземпляров фонограмм” сўзлари билан алмаштириш керак. Чунки, қонунда фонограмма ва унинг мақомига етарлича тушунча берилган. Низомда асосан фонограмма ва аудиовизуаль асарлардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган мулкый муносабатлар тартибга солишга қаратилган. Шунингдек, қарорнинг бир неча жойларида “звуковой сўзларидан кейин “(механической)” деган сўзлар ортиқча, ўринсиз ишлатилган;

- қарорнинг 3-Иловасида амалий-безак санъат асарларини саноат усулида кўпайтирганлик учун тўланадиган муаллифлик ҳақи миқдорлари кўрсатилган бўлса-да, лекин унинг кўрсатилган миқдори битта муаллифга ёки шу асарни яратган барча муаллифларга тўланиши, шунингдек у қандай ҳажмларда тақсимланиши тартиби кўрсатилмаган. Бу ҳолатга ҳам ойдинлик киритилиши ва изоҳ тартибида кўрсатилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг бир қатор моддаларини қайта кўриб чиқиш ва уни бугунги кун амалиёти ва талабларига мослаштириш, ривожланган мамлакатлар тажрибалари ва қонунчилигидан фойдаланган ҳолда, мавжуд халқаро ҳуқуқ меъёрларининг умумэътироф этилган нормалари билан тўлдириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Амалиётдаги мавжуд муаммо ва вазифаларнинг ечимини топиш мақсадида ҳам ҳар иккала Қонунга ҳам ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

ХУЛОСА

Ушбу диссертация ишдан келиб чиқиб, муайян хулосаларга келинди. Мамлакатимизда интеллектуал мулкка оид қонунчиликни такомиллаштириш учун дастлаб унинг назарий асосларини ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун эса:

Биринчидан, устувор йўналишларни белгилаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк объектларининг ягона рўйхатини тузиб чиқиш зарур;

Иккинчидан, амалдаги муаллифлик ҳуқуқига оид қонунларнинг барча нормалари ижросини таъминлаш учун меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилиши керак;

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида мавжуд қонунларга жиддийроқ жиной жазони қўллашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Юқорида айтилган ҳуқуқий ва ташкилий муаммолар ҳал этилса, республикаимиз муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро мажбуриятларни бажаришда янги муаммоларнинг олдини олиш, асар яратувчиларининг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланиши, олинадиган фойда ва даромад улушидан давлат бюджети янада қўпайиши мумкин.

Мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси соҳасидаги муаммолар ҳал этилмаётганлигининг яна бир асосий сабаби, республикаимиз Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, божхона ва солиқ, прокуратура ва суд органларида «қароқчилик фаолияти»га қарши ўзаро бирлашган Бош Марказнинг йўқлиги билан белгиланади. Чунки, бу органлар фаолияти занжир каби бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи айнан мана шу боғлиқликдагина ҳимояланиши мумкин. Шунингдек, интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича жаҳон тажрибасига мос билимга эга бўлган кадрларнинг санокли даражада эканлиги, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши натижасида нафақат

муаллифларнинг ўзлари, балки давлатимиз кўраётган моддий ва маънавий зарарларининг ҳалигача ўрганилмаганлиги, бу борада ҳуқуқий маданиятимизнинг пастлиги, шунингдек, мамлакатимиздаги муаллифларнинг ҳам ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги ҳаракатларининг сустлиги вазиятни янада кескинлаштирмоқда.

Оммавий ахборот воситалари олдида ҳали муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш масалаларига риоя қилиш муаммолигича қолмоқда. Ахборот технологиялари ва коммуникациялар, айниқса, халқаро Интернет тизимининг хизматидан бугун ҳар ким, хусусан, ОАВ бемалол фойдаланиши, уларда жойлаштирилган манба (ахборот)лардан керакли маълумотларни олишлари ва тарқатишлари мумкин. Ана шу ўринда ОАВ қонун билан муҳофаза қилинадиган ахборотлар - фан, адабиёт, санъат асарларидан ҳам кенг фойдаланадилар. Бу турдаги асарлардан қандай ҳажмда олинисидан қатъий назар оммавий ахборот воситалари ёки журналист ҳуқуқ эгаси (муаллиф ёки бошқа ҳуқуқ эгаси)нинг розилиги билангина улардан фойдаланишлари лозим.

Қонунчиликка асосан ва халқаро конвенцияларга кўра муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотлар, мақолалар, бадиий ва санъат, фотография асарлари, интервьюлар ва бошқа асарлар ҳимояга олинган. Бу асарларга муаллифларнинг мутлақ ҳуқуқлари (мулкӣ ҳуқуқлар) тегишли бўлиб, бу ҳуқуқлар муаллиф ҳаётлиги даврида ва вафотидан кейин ҳам яна 50 йилгача ҳимоя қилинади. Ҳар қандай шахс қонун билан кўриқланаётган асарлардан фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдалана олади.

Оммавий ахборот воситалари эркин бўлса-да, лекин муаллифлар олдида маълум мажбуриятларга эга. Оммавий ахборот воситаларининг бу мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- муаллифлар билан шартнома тузган ҳолда асарлардан фойдаланиш;
- хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг асарларидан лицензия (мажбурий) шартномаси асосида фойдаланиш;
- олинган манбалар ва ҳуқуқ эгалари номларини албатта кўрсатиш;

- асарлардан парча олганда амалдаги талабларга (манбани кўрсатиш, муаллиф номига ҳавола қилиш ва бошқалар) риоя этиш, асарларнинг дахлсизлигига путур етказмаслик;

- асарларни таржима қилиб эълон қилаётганда ҳуқуқ эгаларидан олдиндан розилик олиш;

- асарлардан фойдаланган (такроран фойдаланган)да ҳуқуқ эгаларига белгиланган тартибда муаллифлик ҳақи тўлаш;

- интервью олишда ва уни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, интервью берувчига тегишли муаллифлик ҳақи тўлаш;

- рекламада асарлардан фойдаланишда алоҳида рухсат олиш ва бошқалар.

Оммавий ахборот воситаларида муаллифлик ҳуқуқининг тўлиқ таъминланишида журналист-юрист кадрларга катта эҳтиёж сезилади. Бирок ёш кадрларни тарбиялагунча анча вақтни йўқотиб қўйишимиз, бунинг натижасида эса давлатимиз нафақат маънавий, балки иқтисодий жиҳатдан катта зарар кўриши мумкин. Шунинг учун журналистика соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиш мақсадида катта миқдордаги маблағ сарфланаётган республикаимиздаги жуда кўплаб нодавлат ва нотижорат ташкилотларда амалиётдаги журналистлар, шунингдек, талаба – журналистлар учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг муҳим аҳамияти, бу борадаги халқаро ҳуқуқий нормалар ҳақида махсус семинар – тренинглар ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни тезкорлик билан ҳаётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, жаҳон тажрибасига мувофиқ Ўзбекистонда ҳам муаллифлар ва ижрочиларнинг ўзаро манфаатлари, ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотлар, бирлашмалар, жамиятлар, клублар тузиш ҳамда интеллектуал мулк ҳимояси бўйича дунё миқёсидаги Халқаро ташкилотлар билан алоқани йўлга қўйиш айтиш муддаодир. Бундай жамиятлар шоир, драматург, бастакор, ижрочиларни ихтиёрий равишда бирлаштириб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, асарлар репертуарини тузиш, тегишли

муаллифлик ҳақларини йиғиш ва тақсимлаш, шунингдек, хорижий муаллиф ва ижрочилар ҳуқуқлари, манфаатларини республикамиз ҳудудида ҳимоя қилиш каби мақсадлар асосида фаолият юритиши керак.

Республикамизда мавжуд интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича консалтинг идоралари сонини ошириш билан бирга улар фаолиятини ҳозирги глобал ахборот алмашинуви жамияти талабларига мослаштириш лозим. Интеллектуал мулк эгалари ўзлари учун зарур бўлган барча маълумотлар, маслаҳат ва ҳуқуқий кўрсатмаларни уларни ҳимоя қилиш учун яратилган ушбу консалтинг идораларининг миллий интернет сайтларидан олиш имкониятларига эга бўлиши зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов асарлари

1. И.Каримов. Ислохотлар стратегияси-мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир. –Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. И.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.:Ўзбекистон, 2001.
3. И.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.-Т., Ўзбекистон, 1996.
4. И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт йўлида. -Т., Ўзбекистон, 1997.
5. И.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.,Ўзбекистон, 1997.
6. И.Каримов.Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. -Т., Ўзбекистон, 1997.
7. И.Каримов. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
8. И. Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш-олий саодатдир. -Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2007.
9. И.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2010.

2. Қонунлар ва қонуности меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. –Т.:Адолат, 1996.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлар тўплами. 2002 йил, № 6-сони.
4. Ўзбекстон Республикасида ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Меъёрий-услубий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 2001.
5. Ўзбекистон Республикаси Интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий муҳофазаси. Меъёрий-услубий ҳужжатлар тўплами. Тошкент, 2001.
6. Конвенция, учреждающая Всемирную организацию интеллектуальной собственности (Подписана в Стокгольме 14 июля 1967 года и изменена 2 октября 1979 года)
7. Окинавская хартия глобального информационного общества. Принята 22 июля 2000 года лидерами стран G8, Окинава

8. Гражданский кодекс Республики Узбекистан.-Т.: Ўзбекистон, 2009
9. Закон Республики Узбекистан «Об авторском праве и смежных правах» от 23 июля 2006 г.
10. Закон Республики Узбекистан «О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных» от 6 мая 1994 г. Хабарнома TV. № 8 (118). Март 2003 йил.
11. Ўзбекистон ҳукумати қарорлари тўплами. 2002 йил , №-6 сони.
12. Германский Закон об авторском праве и смежных правах от 9 сентября 1965 г. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. - М.: «Норма», 1999
13. Французский Закон об авторском праве и смежных правах от 3 июля 1985.
14. ЮНЕСКО халқаро меъёрий ҳужжатлари. (Тўплам). Конвенциялар. Битимлар. Протоколлар. Тавсияномалар. Декларациялар. -Т.: Адолат. 2004.
15. Соглашение по Торговым аспектам прав интеллектуальной собственности. Оригинал-макет. –Женева.: ВТО, 1995.
16. Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Кабинетом Министров Украины о сотрудничестве в области охраны прав интеллектуальной собственности от 19 февраля 1998 года.
17. Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Турецкой Республики о защите авторских и смежных прав от 13.04.98 года.
18. Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Китайской Народной Республики о сотрудничестве в области охраны прав интеллектуальной собственности от 8 ноября 1999 года.
19. Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о сотрудничестве в области промышленной собственности от 27 июля 1995 года.
20. Международный билль о правах человека. Сборник документов. Хельсинкский Фонд по Правам Человека. -Варшава, 1997. С.68, 74
21. Рекомендация о положении творческих работников. ЮНЕСКО.- Париж, 1980.
22. Рекомендация о юридической охране прав переводчиков и переводов и практических средствах улучшения положения переводчиков. ЮНЕСКО, Париж, 1976.

3. Илмий адабиётлар:

1. Авторское право XX1 век. Сборник статей-М.: 2010.
2. Алимов И.Р., Хуррамов А.Ф., Маматов А.А.. Макроиктисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот. –Т.: ФАН, 1999.
3. Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг такомиллаштириш истиқболлари. ТДЮИ, 2005.

4. Босма оммавий ахборот воситаларида медиа-бизнесни юритиш асослари.-Т.: Норма, 2008.
5. Богуславский М.М. Международное частное право.-М.:Юристъ. 2000.
6. Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М.. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения.-М.:Юристъ, 2002.
7. Вахабов А.В., Жумаев Н.Х., Хошимов Э.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари ва иқтисодиётган таъсирини юмшатиш йўллари.-Т.: Академнашр, 2009
8. Гаврилов О.А. «Курс правовой информатики». -М.Норма,2000.
9. Гаврилов Э.П. Авторское право.-М.: Юридическая литература, 1988.
10. Гаврилов Э.П. Авторское право. Издательские договоры. Авторский гонорар. -М.: Юридическая литература, 1988.
11. David Bainbridge, Introduction to Computer Law, Third edition, PITMAN Publishing, 1996.
12. Додобоев Ю.Т., Мамутова Х.Ш., Болтабоев А.К. –Кувасой.: Международное банковское право, 2002.
13. Журналистлар ҳуқуқий саводхонлиги муаммолари. Оммавий ахборот воситалари ва ҳуқуқ. –Т.: ФАН, 2003.
14. Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти. – Т.:ФАН, 2008.
15. Кобелев Ю. -М.: Авторское право и Интернет, 2001.
16. Луғат. Журналистика. Реклама.Паблик рилейшнз. Маълумотнома. – Т.: ZAR-QALAM, 2003.
17. Матвеев Ю.Г. Международные конвенции по авторскому праву. –М.: Международные отношения, 2008.
18. Матвеева Т.Д. Международное право: курс лекций.-Москва.: РАГС, 2006.
19. Мануэль Кастельс. Информационная эпоха. Экономика, общество и культура. Москва, «Бек», 2000.
20. Мирзо Ғулом. Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари. –Т.: ТДЮИ, 2004.
21. Мўминов А Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари. –Т.: Янги аср авлоди. 2003.
22. Мўминов А.Р. Ўзбекистонни ЮНЕСКО билан таълим, фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлиги. Ўзбекистон ва БМТ: тажриба ва ҳамкорлик истиқболлари. Т.: -ТДЮИ. 2007.
23. Olivier Hance, Business and Law on the Internet, 1996 Best Of Editions.
24. Основные институты гражданского права зарубежных стран: Сравнительно-правовые исследования. - М.: «Норма», 1999.
25. Окюлов О.. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: умумий қоидалар ва алоҳида объектлар. Дарслик. –Т:ТДЮИ, 2003.

26. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2004.
27. Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари.-Т.: ФАН, 2001
28. Оммавий ахборот воситаларини эркинлантириш-жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим омили. Конференция материаллари тўплами.-Т.: Истиқлол, 2006. Информационные технологии в бизнесе. Энциклопедия. Санкт-Петербург. Москва. Харьков. Минск. 2002.
29. Зокиров И.Б. Ўзбекистон фуқаролик ҳуқуқи. –Т.:Адолат. 2008.
30. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. –Т.: ТДЮИ. 2003
31. Свириденко С.С. Информация и информационные технологии в современном обществе. Москва, 1993.
32. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. -Москва, 1996.
33. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. Учебник.-М.: Проспект, 2000.
34. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Дарслик. -Т.: «Консаудинформ» Агентлиги нашриёти, - 2002.
35. Тошев Б. Муаллифлик ҳуқуқи.- Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997.
36. Тошев Б.Н. Авторское право. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси. 1997.
37. ТошевБ. Муаллифлик ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ. 2002.
38. Фичор М. Коллективное управление авторским правом и смежными правами. –Женева.: ВОИС, 1990.
39. Насриев И.И. Муаллифнинг шахсий ҳуқуқларини ҳимоялаш. –Т.: Меҳнат, 2003.
40. Насриев И.. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари. -Т.: -Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006.
41. Насриев И.И., Тошев Б.Н. Муаллифнинг номулкий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш. Т.: Ворис нашриёт, 2006.
42. Шадиходжаев Ш.Ш. Всемирная Торговая Организация и развивающиеся страны: вопросы разрешения споров. –Т.:-Национальный центр по правам человека Республики Узбекистан. 2005.
43. Юрченко А.К. Издательский договор. Москва, Юридическая литература, 1988.
44. Юнусов Ҳ. Европа Иттифоқи ҳуқуқи. -Т.: Янги аср авлоди, 2007
45. Шмиттгофф К. Экспорт: право и практика международной торговли.-Москва.: Юридическая литература, 1993.
46. Штумпф Г. Лицензионный договор. Москва, Юридическая литература, 1988.

4.Рўзнома ва журналлардаги мақолалар:

1. Александр Николенко. «Этот цифровой, цифровой мир...» "Мир Internet" №6/98.
2. Р.Каримов. «Узбекистан на пути к новой экономике». Правда Востока, 10 июля 2002 г. № 132.
3. Л.Кравец, «Интеллектуальная собственность в электронной торговле», 4 Интеллектуальная Собственность, 40 (1999).
4. «Зеркало XI». 2003 йил 20 август сони.
5. Kriminalishtik-1998, N-10.
6. В.С.Комиссаров. «Преступление в сфере компьютерной информации: понятие и ответственность». Юридическая мир. № 2.
7. О.А.Орлова «Проблемы защиты авторских прав в сети Интернет», «ЮРИСТ» № 3, 2001.
8. В.Смыслина «Защита исключительных прав на программы для ЭВМ в глобальных компьютерных сетях», «ЮРИСТ» № 5, 2001.
9. С.Зотин. Соглашение ТРИПС со специальным акцентом на обеспечение защиты прав.. Региональный симпозиум ВОИС по обеспечению защиты прав интеллектуальной собственности и новым «Интернетовским договорам». Сборник, Ташкент, 1998 г.
10. Вадим Скиба. Итоги второй международной конференции по электронной коммерции и интеллектуальной собственности, проводимой всемирной организацией интеллектуальной собственности (ВОИС), проходившей с 19 по 21 сентября 2001 года в г. Женеве.
11. Виктор Наумов «Российский интернет: первые судебные прецеденты», "Арбитражные споры" N1(9), 2000.
12. И.В.Савельева. Охрана фонограмм. Материалы международной конференции. –М.: 1996 г., 6-8 декабря
13. Атоев С. Защита авторских прав в интернете. –Инфаком, 2003.
14. Юсуфов А. Борьба с правонарушениями в сфере ИС: проблемы формирования правоприменительной практики // ИС. Промышленная собственность, 2004. № 12.
15. Шакур Н. Бесплатный сир закончился, пиратство дорогое удовольствие // Компания - деловое еженедельник, 2001, 2 июля, №171.
16. Полтаева Ф. Ошкора қароқчилик қиссаси ёки муаллифлик ҳуқуқи ҳақида. -Ёш куч журнали, 2003, №3.
17. Исламходжаев Х. Жаҳон Савдо Ташкилотининг битимлари. //Фалсафа ва ҳуқуқ. 2007 йил, № 3.

5.Диссертация авторефератлари:

1.Окюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук.-Т.: ТГЮИ, 2000.

2. Мўминов А.Р. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий масалалари. Юрид..фан.номзод..дисс. автореферати.- Т.: ЖИДУ, 2005.

3. Акрамходжаева З.С. Интеллектуал мулк ҳуқуқини фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилишни такомиллаштириш муаммолари. Юрид.. фан. номзод..диссер...автореферати.-Т.: ТДЮИ,, 2008.

4. Худайбердиева Г.А. Турдош ҳуқуқларни фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари. Юрид.фан..номзод...диссертацияси. -Т.: ТДЮИ, 2006.

5. Файзиев Ф.М. Международно-правовое регламентирование отношений между государствами по оказанию правовой помощи. Автореф.дис.канд..юрид..наук. -Т.: УМЭД, 2007

8. Рахмонов Ш.Н. Признание резолюций международных организаций в качестве источника международного права. Автореферат на соиск. учен. степени канд. юрид...наук.-Т.: УМЭД, 2007

6.Интернет сайтлар ва статистик тўпламлар:

1. Виктор Наумов "Проблемы реализации авторских прав в сети Интернет", <http://www.russianlaw.net/>

2. К.Arrow, <The Ekonomiks of infomation, in The Computer Age; A Twenty-Year>, MIT Press, 1979.

3. Виктор Наумов "Проблемы реализации авторских прав в сети интернет", 1999 <http://www.russianlaw.net/>

4. Юрий Кобелев «Авторское право и интернет» <http://www.russianlaw.net/law/doc/a142.htm>

5. Ананько Андрей «Объекты гражданских прав в электронномпространстве» <http://www.russianlaw.net/law/doc/a122.htm>
Опубликовано: 1 июля 2001 года

6. Петровский Станислав Витальевич «Правовая охрана сайта как базы данных» <http://www.russianlaw.net/law/doc/a109.htm> Опубликовано: 11 февраля 2001 года

7. А.Ивлев. Охрана авторских прав в интернет: проблема, которая выдумана, <http://www.russianlaw.net/law/doc>

8. Сервера Верховного Суда РФ в сети Интернет: <http://www.supcourt.ru/>

9. Сервер Высшего Арбитражного Суда: <http://www.arbitr.ru/>

10. <http://www.whatiscopyright.org>

11. Служба рассылки Интернет – проекта Саарского Университета Германии: remus@jurix.jura.uni-sb.de , <http://remus.uni-sb.de>
12. Entwicklung des Internet-Rechts, Neue Juristische Wochenschrift, Beilage zu Heft 14/2001
13. Perkins Coie Electronic Commerce and Internet Law Articles: <http://perkinscoie.com>
14. End-user license agreement for bonzibuddy software and bonzibuddy add-on software
15. Региональный симпозиум ВОИС по обеспечению защиты прав интеллектуальной собственности и новым «Интернетовским договорам». Сборник, Ташкент, 1998 г.